

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ  
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Юлдашев Марат Ачилович**

**Узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар  
орқали электрон савдони ташкил этиш**

**5523600 - «Электрон тижорат» йўналиши**

«Электрон тижорат» йўналиши бўйича бакалавр даражасини  
олиш учун

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

БМИ кўриб чиқилди ва ҳимояга  
тавсия этилди  
«Электрон тижорат» кафедраси  
муdiri  
Якубов.М. \_\_\_\_\_

Илмий раҳбар:

ФИО \_\_\_\_\_

«\_\_» \_\_\_\_\_ 2011 йил

«\_\_» \_\_\_\_\_ 2011 йил

Ҳаёт фаолияти хавфсизлигидан  
маслаҳатчи  
ФИО \_\_\_\_\_

«\_\_» \_\_\_\_\_ 2011 йил

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ  
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Ахборот технологиялари факультети Электрон тижорат кафедраси  
йўналиши (мутахассислик) Электрон тижорат

**ТАСДИҚЛАЙМАН**

Кафедра мудири

Якубов .М. \_\_\_\_\_

2011 йил «\_\_» \_\_\_\_\_

**Битирув малакавий ишига  
Т О П Ш И Р И Қ**

**Юлдашев Марат Ачилович**

(фамилияси, исми, отасининг исми)

1. Иш мавзуси «Узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар орқали электрон савдони ташкил этиш»

2. 2011 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - сонли буйруқ билан тасдиқлайан

3. Ишни ҳимояга топшириш муддати \_\_\_\_\_ йил

4. Ишга оид дастлабки маълумотлар: тадқиқот тизимининг тавсифи, тизимни яратишга техник топшириқ, объектнинг тизимли ва ишчи лойихаси ва ҳ.к.лар

5. Ҳисоблаш-тушунтириш ёзувнинг мазмуни (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати): **танланган мавзунинг долзарблигини асослаш; тадқиқот мақсади ва уни амалга оширишда ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларни аниқлаштириш; тадқиқод предмети ва объектини аниқлаш ва тавсифлаш; тадқиқод натижаларини таҳлил қилиш ва қайта ишлашни олиб бориш; хулосалар келтириб чиқариш, олинган натижаларни баҳолаш ва иқтисодиётнинг мос соҳасига тайинли таклифлар бериш.**

6. График материаллар рўйхати: **1) Веб – сайт яратиш технологияси, 2) 3) танланган ёндашувни асослаш, 4) Веб-сайтнинг функционал схемаси, 5) маълумотлар базасининг тузилиши, 6) асосий саҳифалар, 7) хулоса**

7. Топшириқ берилган сана \_\_\_\_\_

Рахбар \_\_\_\_\_  
(имзо)

Топшириқ олдим \_\_\_\_\_  
(имзо)

8. Ишнинг айрим бўлимлари бўйича маслаҳатчилар

Қисм	Маслаҳатчи Ўқитувчининг Ф.И.Ш.	Имзо, сана	
		Топшириқ берилди	Топшириқ олинди
Кириш			
Назарий қисм			
Асосий қисм			
Амалий қисм			
Яқуний қисм			
Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги			

9. Ишни бажариш графиги

Т/р	Иш қисмларининг номи	Бажариш муддати	Раҳбар (маслаҳатчи белгиси)
1			
2			
3			
4	Хулоса ва тавсиялар		
5	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги		

Битирувчи \_\_\_\_\_  
(имзо)

Раҳбар \_\_\_\_\_  
(имзо)

2011 йил «\_\_» \_\_\_\_\_

2011 йил «\_\_» \_\_\_\_\_

## МУНДАРИЖА

	<b>КИРИШ</b> .....	2
<b>I БОБ</b>	<b>Ўзбекистонда ҳозирги кунда узумчилик соҳаси фаолияти ва унинг таҳлили</b> .....	6
1.1	Узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарнинг ҳозирги фаолиятини таҳлили.....	6
1.2	Узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар электрон савдосини ташкил қилиш хусусиятлари.....	12
1.3	Узумчилик соҳасини ахборот технологиялари ёрдамида ривожлантириш.....	18
1.4	БМИ нинг мақсади ва вазифаси.....	21
	I бобга хулоса.....	23
<b>II БОБ</b>	<b>Узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар электрон савдосини ташкил этиш тамойиллари</b> .....	24
2.1	Узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхона электрон савдосининг асосий тамойиллари.....	24
2.2	Узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхона электрон дўкони веб-сайтнинг алгоритми ва структураси...	30
2.3	Узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхона электрон дўкони веб-сайтини яратиш веб технологияси.....	36
	II бобга хулоса.....	51
<b>III БОБ</b>	<b>Узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар учун электрон савдони амалда қўллаш</b> .....	52
3.1	Узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхона электрон дўкони веб-сайтнинг дастурий таъминоти.....	52
3.2	Узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар электрон савдосида тўлов тизимлари.....	63
3.3	Электрон дўконнинг техник ва ташкилий таъминотига қўйилган меъёрий-ҳуқуқий талаблар.....	67
	III бобга хулоса.....	70
<b>IV БОБ</b>	<b>Ҳаёт фаолиёти хавфсизлиги</b> .....	71
4.1	Компьютер билан ишлаганда иш жойини тўғри ташкил этилиши.....	71
4.2	Корхоналарда ёнғин хавфсизлигини олдини олиш чора-тадбирлари.....	77
	IV бобга хулоса.....	81
	<b>Хулоса</b> .....	82
	<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	83
	<b>ИЛОВА</b> .....	84

## КИРИШ

Бугунги кунда Ўзбекистонда ўтказилаётган туб иқтисодий ислоҳатлар жараёни халқ хўжалигининг етакчи соҳаларидан бири ҳисобланган узумчилик соҳасини ривожлантиришга ва бунга боғлиқ равишда электрон тижоратни ҳам такомиллаштиришга қаратилган.

Олиб борилаётган ислоҳатлар жараёни корхоналар фаолиятини такомиллаштиришда динамик тарзда ўзгарувчан ташқи омилларни ҳамда корхоналарнинг мижозлар талабини ҳисобга олиш ва уларнинг еҳтиёжини қондиришни инобатга оладиган қатъий ёндашувли долзарб масаладир.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ташқи бозорга интеграциялашувида йирик ва машҳур фирма ва компанияларнинг имижи катта аҳамиятга эга бўлиб, ўзига ҳос коорпаратив шакл глобал бозорда ривожланиш имконини бермоқда. Бозор муҳитини узлуксиз назорат қилмай туриб бизнесни муваффақиятли юритиб бўлмайди. Аммо шу ўринда қандай қилиб компания ва корхона менежерлари харидорлар талабларини ўзгаришини билиши мумкин. Бозор шароитида маҳсулотга харидорни излаб топиш масалаларини ечишда замонавий ахборот технологиялари ва тизимлари муҳим аҳамият касб этади. Замонавий техник алоқа воситаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланиб, асосий вазифа Интернет ва компьютер ахборот тизимлари ёрдамида бажарилади. Жумладан, Интернет – тижорат Веб–сайтлари эгаларининг янги харидорларини, дистрибьюторлар ва ишбилармон шерикларни жалб қилишда, савдо бозорларини кенгайтириш ва корхона учун самарали ва ташвиқот рекламани таъминлашида кенг имкониятлар яратиб бера олишини таъкидлаб ўтиш лозим.

Сўнгги йилларда ахборот коммуникация тизимлари тармоқлари ва маълумотлар базаларининг яратилиши ва ишлатилишини тартибга солувчи кўплаб меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб амалиётга татбиқ қилинди. “Ахборотлаштириш ҳақида”, “Электрон тижорат ҳақида”ги қонунлар, “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот – коммуникация технологияларини жорий қилиш ҳақида”ги Ўзбекистон

Республикаси Президентининг фармони, “Электрон рақамли имзо” шунингдек, “Компьютерлаштириш ва ахборот технологияларини 2002-2010 йилларда ривожлантириш” дастури шулар жумласидандир. Албатта, ушбу конун ва меъерий ҳужжатлар доирасида юритилаётган фаолият ҳар бир жабҳада етакчи ўринга чиқишимизни таъминловчи ҳуқуқий ҳимоя вазифасини ўтайди.

Веб-серверлар ва маълумотлар базаси асосида самарали электрон савдо тизимини ташкил этиш мумкин. Бундай электрон савдо тизими бизнесни юритишнинг энг замонавий усули бўлиб, фирмалар улгуржи савдоларларида ортиқча сарф харажатларни қисқартириш, маҳсулотлар ва хизматлар сифатини ошириш, уларни охириги истеъмолчига етказишни кафолатлаган ҳолда суратини тезлаштириш имконини беради.

Электрон савдо ёрдамида қўшимча буюртмаларни жалб қилиш ҳисобига даромадларни ошириш, таннархни камайтириш, маҳсулот ҳаракати жараёнини қисқартириш, хизматлар ҳисобини яхшилашга эришиш мумкин. Электрон тўловларни қайта ишлаш, тижорат маълумотларини узатишнинг хавфсизлиги ва махфийлик каби маълумотлар эса кўп миқдорда дастур таъминоти ёрдамида ечилиши мумкин.

Шу ўринда электрон савдодаги айрим муаммоларга тўхталиб ўтиш жоиз. Бу электрон тўловлар ва уларнинг хавфсизлиги масаласидир. Муттахасисларнинг фикрича, ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан ўсишда давом этиб компьютерлардан фойдаланиш имкониятлари кенгайиб бормоқда. Албатта, бу фойдаланувчи учун катта қулайликлар яратади. Веб-сайтлар орқали электрон тижоратнинг тезкорлиги, ишончлиги ошади ва оммавийлашади.

Ихтиёрий фирма ёки корхона учун маҳсулот сотиш ва сотиб олишда электрон тижоратдан фойдаланиш иқтисодий самара беради. Жумладан, ушбу савдо орқали узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхона электрон савдосини ташкил этишда Веб-сайтларни яратиш ва унга мурожаат этувчи мижозлар таркибини ошириш долзарб масала ҳисобланади. Ихчам,

чиройли, сифатли маҳсулотга миждозлар талаби кескин ошиши кузатилади. Чунки, узумчилик маҳсулотларини қайта ишлаш натижасида олинган вино, майиз, шарбатларнинг миқдори, турлари, сифати ушбу сайтларда ўз аксини топади. Шунингдек, ушбу маҳсулотлар доимий, харидоргир, фойдаланувчиларнинг сони кўпчиликини ташкил этишига олиб келади.

Реклама саҳифаси ихтиёрий ташқи матнда процессор, ноширлик тизими ёки компьютер тақдими дастурларидан фойдаланган ҳолда яратилади. Яратилган ушбу саҳифа орқали фотосуратларни, видео, аудио, мултимедиа ёинки исталган кўргазмаларни намойиш этиш мумкин.

Амалий тадбирларда бу узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхона электрон дўконидаги маълумотларнинг бутунлиги ва махфийлигини таъминлаш бўйича истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш ҳамда давлат ва бутун жаҳон фуқароларининг шахсий манфаатларини муҳофаза қилиш мақсадида ахборот технологияларини мураккаблаштиришни ва электрон савдоларни ташкил этишни давр тақазо этмоқда.

Маҳсулотлар ҳақида ахборот узатиш ва Интернетда савдо-сотик хизматларини кўрсатиш борасида эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш бўйича ишларга янада жўшқинлик бахш этилиши керак.

Электрон тижоратда, бу маҳсулотларни сотиш ва харид қилишга мўлжалланган ҳужжатларни айланиши тартибини, ахборот ресурсларидан фойдаланиш ҳамда компьютер ахборот технологиялари ва электрон тижорат тизимлари ҳимоясини тартибга солишнинг қонунчилик асосини яратилиши ва такомиллаштирилиши керак. Бу борада тегишли қонунлар қабул қилинди. Аммо, бу йўналишлар ҳаётга секинлик билан кириб бормоқда, унга сабаб қонунларни татбиқ қилиш механизмининг етарли тайёргарлик кўрмаганлигидир. Бу масалаларни ечиш ҳам ўта долзарб ҳисобланади.

Юқоридаги йўналишлар амалга оширилиши натижасида Ўзбекистонда янги технологик база асосида истеъмолчиларнинг барча қатламлари ҳамда жадаллик билан ривожланиб бораётган замонавий компьютер ва ахборот технологиялари талабларига мос тушадиган, тубдан янгиланган ахборот –

коммуникация тармоқлари вужудга келтирилди. Мамлакат ўз иқтисодиётини мустахкамлаш ва инсонларнинг яшаш шароитларини яхшилаш учун кафолатли қўшимча имкониятларга эга бўлади.

Замонавий ахборот ва алоқа технологияларига асосланган ривожланган давлатларда тез тарқалаётган савдо тизими – бу турли масофадан улгуржи ёки чакана савдо-сотикни ташкил қилиш тизимидир. Компьютер технологияларига асосланган бу тизим тушунчаси ривожланаётган давлатларда E-commerce деб аталади. Бундан ташқари у масофали тижорат деб ҳам юритилади.

Ривожланган давлатларда ўз маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиққан ташкилот ва компаниялар асосан интернет тармоғидан кенг фойдаланадилар. Сўнгги ишлаб чиқарилган янги маҳсулотлар ҳақидаги маълумотлар асосан шу тармоқ орқали реклама бўлаяпти ва маҳсулотнинг харидорлари сафининг тез суратда ортиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Дарҳақиқат, узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарнинг электрон савдосини йўлга қўйиш бу корхоналар учун ҳар томонлама фойда олиб келади. Барча имкониятларни қўллаш мана шу интернет тармоғи орқали амалга оширилади. Жаҳон бозорида асосий ўрин егаллаган маҳсулотлар қаторидан жой олишида электрон тижоратнинг роли катта. Шу сабабли, ахборот технологиялари ривожланган ҳозирги даврда интернетда узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарнинг электрон савдосини ташкил этиш зарур.

Юқорида келтирилган фикрларни асос қилган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” йилида узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарнинг электрон савдосини тез суратлар билан ривожлантириш ушбу корхоналар олдига қўйилган асосий мақсад ва вазифаларидан бири деб этироф этиш мумкин.



# **I БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ҲОЗИРГИ КУНДА УЗУМЧИЛИК СОҲАСИ ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ ТАҲЛИЛИ**

## **1.1. Узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарнинг ҳозирги фаолиятини таҳлили**

Узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар фаолиятини йўлга қўйишда ўзгарувчан ташқи омиллар ҳамда корхоналарнинг мижозлар талабини қондириш имкониятларини ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади.

Мамлакатимизда узумчилик соҳасини ривожлантириш ва фермер хўжаликлари ҳамда қайта ишлаш корхоналарининг ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилаётган ислоҳотлар катта аҳамиятга эга.

Шу жумладан, пойтахтимизда 2006 йил 1 августда бўлиб ўтган семинарда узумчилик соҳасини ривожлантириш мақсадида ўтказилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида маъруза ўқилди. Бунда тегишли корхона ва идоралар вакиллари, мутахассислар ва фермерлар, банк ходимлари иштирок этишди. «O'zvinosanoat-holding» компанияси бошқаруви раиси С.Саиджалолов ва Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари С.Абдуллаев юртимизда узумчиликни ривожлантириш, тоқзорлар ҳосилдорлигини ошириш, маҳсулотлар сифатини яхшилаш асосида ички ва ташқи бозорнинг узумдан тайёрланган маҳсулотларга бўлган талабини қондириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидладилар. Семинарда қайта ишлаш корхоналари, агрофирмалар ва хўжаликлари раҳбарлари ўзаро тажриба алмашдилар.

Мамлакатимизда «O'zvinosanoat-holding» компанияси тизимидаги корхоналар узумчиликка ихтисослашган хўжаликлар билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш, уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида узум хомашёсини етказиб бераётган фермерлар билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатган. Жумладан, ҳар йили мавсум бошланиши ва якунида қайта ишлаш корхоналари, агрофирма ва фермер хўжаликлари ишқириқида семинар-кенгашлар ўтказилиб, сифатли хомашё етказиб берувчилар рағбатлантириб борилимоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3709-Фармони ижросини таъминлаш ҳамда мева-сабзавотчилик ва узумчилик ширкатларини фермер хўжаликларига айлантириш, агросаноат фирмаларини ташкил қилиш ва мева-сабзавотчилик ва узумчилик ширкатларини фермер хўжаликларига айлантириш, агросаноат фирмаларини ташкил қилиш ва сабзавотчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 августдаги Фармойишига асосан ташкил қилинган махсус комиссиянинг:

2006 чорагида мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган қишлоқ хўжалиги кооперативлари(ширкатлари) ни фермер хўжаликларига айлантириш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин;

туғатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари(ширкатлари) ни фермер хўжаликларига айлантириш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, туғатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари(ширкатлари) негизида фермер хўжаликларини ташкил қилишда қуйидаги талаблар бажарилиши лозим:

а) ер участкаси ижараси ҳақидаги шартномада белгилаб қўйилган мавжуд ихтисослашувни сақлаб қолиш;

б) фермерларнинг шартномага асосан боғ ва узумзорлардан, шунингдек, ажратилган лимит бўйича сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мажбуриятини олиш;

с) боғ ва узумзорларни сотиш туғатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативининг умумий йиғилиши қарори билан фақат ширкат пайчилари ва аъзолари ўртасида ўтказилаётган ёпиқ кимошди савдосида амалга оширилиши мумкин.

3. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш бўйича Республика комиссияси(Мирзиёев), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш

вазирлиги «O`zmevasabzavotuzumsanoat-holding» ХК, Қорақолпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари:

а) 2006 йил 20 мартгача бўлган муддатда фермер хўжаликларини ташкил қилишда даъвогарлар ўртасида холис ва танлов, кимошди савдолари ўтказишда жамоатчилик ҳамда фуқоралар йиғини вакилларини жалб этиб, ҳаққонийлик, очиқлик ва ижтимоий адолат талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ғолибларнинг аниқланишини таъминласин;

б) 2006 йил 15 апрелгача ташкил қилинадиган фермер хўжаликлари билан қайта ишлаш корхоналари ўртасида мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини етказиб бериш тўғрисида шартномалар тузишни ташкил қилсин ва уларни ишлаб чиқаришни камида 30% гача аванс билан таъминлаш кўзда тутилган;

с) ўн кунлик муддатда тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари) ҳудудида тузилган ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси объектларининг жойи ва уларни ташкил этиш муддатлари белгилансин;

д) ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш натижасида тугатилаётган қишлоқ жўжалиги кооперативларининг бўшайдиган абзоларини иш билан таъминлаш масаласини ҳал қилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳамда «O`zmevasabzavotuzumsanoat-holding» ХК мутахассисларининг мазкур компанияни «O`zuzumsanoat-holding» ХКга айлантириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Қуйидагилар «O`zuzumsanoat-holding» ХК фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари деб ҳисоблансин:

а) истеъмол сипирти ва алкоголь маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича ягона техник ва технологик сиёсатни амалга ошириш;

б) истеъмол спирти ва алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш;

с) ташқи ва ички бозорлар бўйича маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, корхоналарининг янги турдаги рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга ва ташқи бозорларга олиб чиқишига кўмаклашиш;

д) тармоққа хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, чет эл инвесторлари иштирокида қўшма корхоналар ташкил қилишга ёрдам бериш.

5. Манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда махсус комиссия томонидан ишлаб чиқилган, ходимларнинг умумий сони 59 киши, жумладан, бошқарув ходимлари сони 41 киши этиб белгиланган «O`zuzumsanoat-holding» ХК ташкилий ва ижроия аппарати тузилмаси тасдиқлансин. «O`zuzumsanoat-holding» ХК «O`zmevasabzavotuzumsanoat-holding» ХКнинг шартномалари ва ижроия аппарати тузилмаси тасдиқлансин.

6. Қорақолпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари зиммасига:

а) аҳоли зич яшайдиган турар жой мавзеларида ҳамда деҳқон бозорларида «дала дўкон» тамойили бўйича ихтисослашган савдо шахобчалари ва дўконлари;

б) Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда фермер хўжаликларини тара идишлар ва қадоклар материаллар билан таъминлаш тармоғи;

с) Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги билан биргаликда тугатилаётган мева-сабзаботчилик ва узумчилик ширкат хўжаликлари негизида ташкил этилаётган фермер хўжаликларига транспорт хизмати кўрсатиш тармоғини ташкил қилиш бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

Ушбу банднинг бажарилиши ҳақида 2006 йил 1 апрелгача Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот берилсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

а) консерва саноати корхоналари ўз фаолиятини мустақил хўжалик субъектлари сифатида амалга оширади ва ихтиёрий равишда агросаноат фирмаси таркибига кириши мумкин;

b) агросаноат фирмалари ва мустақил қайта ишлаш корхоналари ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, техник қайта жиҳозлашга инвестициялар жалб этиш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш, ички ва ташқи бозорда маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, ўз маҳсулотини экспорт қилиш учун вилоят даражасида ихтиёрий равишда мева-сабзот маҳсулотларини қайта ишловчилар уюшмаларига бирлашиши мумкин;

с) тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари(ширкатлари) нинг виночилик пунктлари, мол-мулк қиймати белгиланган тартибда қопланган ва тушган маблағлар тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооператив(ширкати)нинг кредиторлик қарзларини тўлашга йўналтирилган ҳолда, «O`zuzumsanoat-holding» ХК виночилик корхоналари ихтиёрига ўтказилади.

8. 2010 йилгача бўлган даврда қайта ишлаш корхоналарининг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашни ҳисобга олган ҳолда, уларни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳалари рўйхати мақуullanсин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қорақолпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда, мева-сабзот маҳсулотлари ва узум етиштириш, уларни экспорт қилиш борасида катта имкониятга ега бўлган энг истиқболли ҳудудларни қамраб олган ҳолда, Мева-сабзот маҳсулотлари ва узумни қайта ишлаш бўйича кўшма корхоналар ташкил этиш дастурини тайёрласин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги ПФ-3709- Фармонида кўра, давлат рўйхатидан ўтган вақтдан бошлаб:

а) тугатилаётган ширкатлар негизида ташкил этилаётган боғдорчилик ва узумчилик фермер хўжаликлари ягона ер солиғини тўлашдан – 5 йил муддатга;

б) янги ташкил етилаётган агросаноат фирмалари даромад (фойда) солиғи, ер солиғи, қўшилган қиймат солиғи (импорт қиймат солиғидан ташқари), мулк солиғи, қўшилган қиймат солиғи, мулк солиғи, қўшилган қиймат солиғи, қўшилган қиймат солиғи (импортга қўшилган қиймат солиғидан ташқари), ягона солиқ тўлови тўлашдан – 3 йил муддатга озод этилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Солиқ солишдан бўшайдиган маблағлар мақсадли равишда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини ривожлантиришга, боғ ва узумзорлар яратиш ва уларни ва уларни кенгайтиришга йўналтирилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «O`zuzumsanoat-holding» ХК ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатга амалдаги қонунчиликка мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тақдим этсин.

11. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Шу нуқтаи назардан айтганда, мамлакатимизда узумчилик соҳаси бўйича ўтказилаётган барча ислохотлар албатта ўзининг ижобий самарасини бериб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистондаги ҳамма вилоятларда бу соҳага бўлган эътибор юқори даражада бўлиб, узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхона ўзининг вино, шарбат ва майизларини истимолга чиқариш, бозорга олиб кириш ва уларнинг рақобатдошлигини ошириш мақсадида тадбиркорлар ва бизнесминлар барча имкониятлардан кенг фойдаланишмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда мустақилликдан кейин эркин фаолият юритиш учун яратилган шарт-шароитлар натижаси ҳисобланади.

Жумладан, Призедентимиз И.А.Каримов томонидан 2011 йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” йили деб эълон қилди. Ушбу йилда узумчилик соҳаси, узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар фаолиятини янада жадал суратлар билан ривожлантириш ва электрон савдосини кенг миқёсда ривожлантириш олдинга мақсад қилиб қўйилди.

## **1.2. Узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар электрон савдосини ташкил қилиш хусусиятлари**

Интернет тармоғи ҳозирги кунда инсонлар учун муҳим бўлган турли маълумотлар дунёсига айланган. Бунда улар орасидаги масофа тушунчаси йўқолади. Интернет тармоғи орқали нафақат йирик ташкилотлар, балки кичик ташкилотлар, ўртача корхоналар ва алоҳида шахсларга электрон тижорат соҳасида фаолият олиб боришлари мумкин. Информацион ва телекоммуникацион технологияларни ўз ичига олувчи интернет тармоғи ЭТ юритишда ҳамкорларни ўзаро самарали ва муаммосиз иш олиб боришларида алоҳида шахслар, ташкилотлар ва йўналишларни битта жамиятга интеграцияловчи восита бўлиб бормоқда.

Интернет тармоғи жаҳон миқёсида бўлгани учун электрон тижорат кичик ташкилотлар учун ҳам жаҳон миқёсида иштирок этиш ва бизнес ишларини олиб бориш имкониятини беради. Харидор ҳам кенг кўламдаги, масофага боғлиқ бўлмаган ҳолда ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари ва хизматларини танлаш имкониятига эга бўлади.

Электрон тижорат ишлаб чиқарувчилардан рақобатбардош маҳсулот ва хизматларини кўрсатишни талаб қилади. Кўпгина компаниялар электрон тижоратдан ўз маҳсулотларига савдодан олдин ва кейин хизмат кўрсатишни таклиф этиш учун фойдаланадилар, яъни ўз маҳсулотлари тўғрисида тўлиқ маълумот бериш ва харидор сўровларига тезда жавоб бериш керак.

Электрон тижоратнинг асосий қулайликларидан бири савдо жараёнидаги ҳаражатларни камайтиришдир. Савдо жараёнларини электрон кўринишга олиб борилиши вақт ва ҳаражатни камайтириб, харидорлар учун нархларни камайтиришга олиб келади. Янги бизнес моделлар - виртуал ташкилот, виртуал агент, аутсортинг ва виртуал ишлар технологиялари тижорат ишларининг эффективлигини анча оширади. Бундан ташқари электрон тижорат янги хизмат турлари маҳсулотлар яратилишига олиб келади.

Электрон тижоратда товарлар ва хизматлар шакли икки турда бўлади: моддий ва номоддий. Номоддий махсулотлар (дастурий таъминот, патентли ахборот, бино проектлари ва х.к) интернет тармоғи ёрдамида тўғридан – тўғри узатилади, номоддий хизматларни тўғридан – тўғри тармоқда бажарилиши мумкин (транспорт чипталари, мехмонхоналардан жой эгаллаш ва х.к). Интернет технологиялардан номоддий махсулот ва хизматларни етказиб беришда қўллаш иш жараёнини тезлашишига олиб келади.

Интернет мижозларга номоддий товарларни етказиб беришда транспорт вақтини тежашларига ёрдам беради. Товар етказиб бериш схемаси “ишлаб чиқарувчи – дистрибютер – дилер – истеъмолчи” дан иборат. Интернетдан фойдаланишнинг яна бир афзаллик томони шуки, унда буюртмачи тўғридан тўғри ишлаб чиқарувчига мурожаат этади ва ундан товар ёки хизматни қабул қилиб олади, албатта етказиб берувчиларни ҳисобга олган ҳолда.

Электрон тижоратни замонавий ривожланиш жараёнлари ва уни хар – хил соҳа мухитларига кириб келиши одамлар, тизимлар, ташкилотлар, корхоналар ва давлат бошқариш органлари ўртасида боғланишни янги усули ҳисобланади.

Дунёдаги бирор - бир мамлакат тараққиётини ахборот алмашинувисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ахборот алмашинуви кишилиқ жамиятининг турли тарихий босқичларида ҳам муайян шаклда ривожланиб келган. Бугунги ахборот асрида эса бу жараён янада фаоллашди. Биргина интернет тизими бутун ер юзини ўргимчак тўридек қамраб олганини ортиқча изоҳлашга ҳожат йўқ. Ахборот технологияларининг мислсиз тараққиёти дунё миқёсида яхлит ахборотлашган жамият шаклланишига олиб келгани исбот талаб қилмайдиган воқеликка айланди. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, дунёнинг турли нуқталарида яратилаётган илмий кашфиётлар, улкан техникавий имкониятлар, универсал технологиялар, ахборот тарқатишнинг глобаллашуви, яъни уларнинг бутун курраи заминни қамраб олиш жараёни шиддат билан давом этмоқда. Бу жараёндан четда қолмаган Ўзбекистонда ҳам Интернет халқаро тармоғидан фойдаланувчилар сони 2008 йил бошига



келиб 2 миллиондан, уяли телефон алоқа воситасидан фойдаланувчилар сони эса 7 миллиондан ошиб кетганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ана шундай шароитда, республикамизда ва бутун дунёда фаолият кўрсатаётган веб-саҳифаларда дунёвий воқеа-ҳодисалар ва шу қаторда электрон тижорат соҳасига оид ўзгаришлар ва янгиликлар ҳам кенг ёритилиб, барчамизни яқиндан таништириб боришда муҳим ўрин тутмоқда. Шу қаторда, электрон тижорат юритишда интернетда хусусий фирма фаолиятни ташкил қилиш ва бошқаришда веб – саҳифаларнинг ўрни алоҳида. Демак, муҳим ахборотларни ҳозиржавоблик, тезкорлик ва холислик билан етказиб бериш ва самарали электрон тижорат юритишда интернет технологияларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Бироқ айнан глобал тармоқ электрон тижоратнинг ривожланишига каттиқ туртки берди ва у катта корпорацияларгагина эмас, балки кичик ва ўрта тадбиркорларга ҳамда алоҳида шахсларга ҳам фойдаланиш имкониятини берди. Бу билан эса етказиб берувчилар ва истеъмолчиларнинг тобора кенгроқ доирасини электрон тижоратга жалб этиш мумкин бўлди. Электрон тижорат кундан — кунга маҳсулот ва хизматлар ассортиментини ошира бошлаган сари алоҳида шахсларни, корхоналарни, соҳаларни, давлат муассасаларини ва нихоят давлатларни бир ҳамжамиятта бирлаштириб, ҳамкорларнинг ўзаро таъсири ахборот ва телекоммуникация технологиялари ёрдамида самарали ва тўсиқларсиз рўй беришига имкон берди.

Электрон тижорат бу бизнеснинг шундай бир турики, у тез ва тежамли йўл билан юритилади ва Интернет технологиялари, умуман, Интернет тармоғи орқали амалга оширилади. Масалан: Чет элда, хусусан, дунёнинг иқтисодий ривожланган давлатларида бу ноодатий бўлган маҳсулотлар ва хизматлар савдо-сотиғи билан юз миллионлаб кишилар шуғулланади, электрон дўконларнинг сони эса ўн минглабларни ташкил этади. Умуман, шу соҳада айланадиган пул миқдорини ҳисобласак, бир неча триллион АҚШ доллари билан ўлчанади.

Электрон тижоратнинг ривожланиши ҳозирги пайтда социал-иқтисодий прогресснинг энг муҳим воситаси бўлган, ахборот коммуникацион технологиялар (АКТ) соҳасида кенг ривожланишнинг асосий белгиси ҳисобланади. Бунинг натижасида бозор қатнашчилари ўртасидаги ахборот алмашилишида ва битимлар тузишидаги ҳаражатларни қисқартириш мумкин.

Ўзбекистонда кўплаб йиллар мобайнида бизнесни ва бизнесга хизмат қилувчи бозор инфраструктура қурилмаларини қўллаб-қувватлашда АКТ дан фойдаланилмоқда. Хусусан, бу технологиялар ёрдамида акциялар, кўчмас мулк, техник ва кундалик ҳаётда ишлатиладиган маҳсулотлар электрон савдо-сотик жараёнлари олиб борилади. Тижорат банклари ва бошқа молия ташкилотларида клиентларга хизмат кўрсатишнинг электрон тизимлари ташкиллаштирилган.

Ўзбекистон ҳукумати электрон савдо-сотик АКТни қўллашдаги муҳим истиқболли йўналиш сифатида кўриб чиқмоқда. 2002-2010 йил ичида компьютерлаштириш ва ахборот коммуникацион технологияларни ривожлантириш дастури иштирокини кенгайтиришдир.

Электрон тижорат АКТни қўллаш мақсадида мамлакатнинг ноқулай географик ўрни, муҳим савдо коммуникация ва миллий бизнесимизнинг ривожлантиришдаги бошқа ноқулай факторларни четлаб ўтишга имкон беради. Жаҳон иқтисодиётида охириги йилларда кузатилаётган электрон тижоратга бўлган қизиқиш сусайганига қарамай, бу сектор жуда қизиқарлидир, чунки электрон тижоратнинг ривожлантирилиши маҳсулот алмашилишини сезиларли кучайтириб, баъзи бир маҳсулот ва хизматларга бўлган информацион вакуумни йукотиши мумкин.

Электрон тижорат мурожаатга чиқимларни 20-30% га тушириш имкониятини беради. Бундан ташқари у маҳсулот ва хизматлар бозорида амалга ошириладиган операциялар шаффофлик даражасини оширишга, рақобат мухитининг ривожланишини ва ресурсларга бир хил ижозатни таъминлашга, ўзбек ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларининг жаҳон бозорига

чиқишини тезлаштиришга, тадбиркорлик фаолиятида янги стандартларни жорий этилишига имкон беради.

Фаолият кўрсатиш самарадорлиги бизнес учун ўта муҳим омил ҳисобланади. Қаттиқ рақобат мухити мавжуд бўлган бир шароитта энг самарали компаниялар яшаб қолиши ва фойда келтириши мумкин. Бошқалар сингари натижаларга эриша олмайдиганлари инқироз бўлишига маҳкум этилгандир.

Шу сабабли ҳамма даврларда бизнес самарали бўлиши, фойда келтириши ҳамда мижозлар ва маҳсулот етказиб берувчилар билан алоқани таъминлаши керак. Барча даврларда муваффақиятли фаолият юритган корпорациялар коммуникация ва бошқарувнинг ҳар хил технологияларини ривожлантиришга фақат ўз бизнесини янада самаралироқ қилиш учун анча инвестициялар қўйиб келишган.

Масалан, ўз вақтида телеграфнинг кашф этилиши ҳам бизнес, ҳам ҳукумат учун кўплаб вазифаларни бажариш самарадорлигини тубдан оширди. Пул жўнатмалари, масофадан туриб битимлар тузиш, ахборот олиш ва тарқатиш каби жараёнлар жиддий равишда соддалашди ва тезлашди. Электрон бизнес шу маънода – корпорацияларга менежментнинг принципиал жихатдан янги сифатини таъминлаган технологик ечимлардан биридир. Унинг ёрдамида етказиб беришлар халқаси ва мижозлар билан муомала халқаси жиддий равишда яхшиланади. Тўловларнинг электрон тизимига ўтиш банк чиқимларини камайтиради. Шу сабабли бизнесни юритишнинг электрон шакллари жуда самарали технологик ишланмалар ҳисобланади. Ушбу соҳага бугунги кунда анча салмоқли инвестициялар йўналтирилмоқда. Бу маблағлар «Янги расм бўлган» абстракт - назарий изланишларни қўллаб-қувватлайдиган «меценатлик» дан келиб чиқиб эмас, балки корпорацияларнинг фойдасини оширишдек соф фрагматик мулохазалардан келиб чиқиб йўналтирилмоқда. Муваффақиятли фаолият юритаётган кўплаб компаниялар ушбу янги технологик имкониятларни тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган компаниялар ҳам бор.

Жумладан, бугунги кунда ривожланган мамлакатларда Интернет орқали йироқдаги мижознинг ҳисоб рақамларига кириб боришни таъминлайдиган замонавий банкларни тасаввур қилиш қийин. Бунинг ёрдамида мижозлар уйдан ёки офисидан чиқмасдан пул жунатмаларини жўнатиш, ҳисоб рақамининг ҳолати тўғрисида ахборот олиш имкониятига эгадирлар. Бу уларни банк филиалига боришдан, навбатда кутиб туришлардан ҳалос қилади ва вақт, асаб ва пулни тежайди. Банк эса, ўз навбатида, ўз вазифаларини анча кам сонли ходимлар билан ҳал эта олиши мумкинлигидан фойдаланади. Чунки Интернет воситасида пул жўнатишда тўловни мижозларнинг ўзлари расмийлаштирадилар, бу банкни тўлов топшириқларини банк ходимлари қўлда бажаришлари заруриятидан ҳалос қилади.

Бунда ҳамма ютади. Банк ўз иши тезкорлигини оширади, боз устига анча маблағларни тежайди. Мижозлар эса юқорироқ сифатли хизматлардан фойдаланганликларидан, боз устига анъанавий банк схемеларига қараганда анча тез хизматлардан фойдаланганликларидан хурсанд. Рақобат шароити амалда банкларга танлаш имкониятини бермайди: улар самарали ишлаш учун ахборот технологияларини жорий этишлари керак ёки бўлмасам бозордан сиқиб чиқарилишлари керак ва фойда кўриб ишлай олмайдилар, чунки ўз мижозларининг анча қисмидан айриладилар.

Кўпинча «Янги иқтисодиёт» деб аталадиган бизнес субъектлари пайдо бўлганлиги эътиборлидир. Уларнинг фаолияти тўлиқ ахборот технологиялари имкониятларига асосланади.

Узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар учун электрон савдосини ташкил этиш улар учун ижобий ўзгаришларга олиб келади, маҳсулотларининг сотилишини тезлаштиради ва харидорларни кўпроқ жалб этишга эришган бўлади. Чунки мазкур турдаги савдо кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг раванқ топиши учун, соғлом рақобат муҳитини мустаҳкамловчи, иқтисодий барқарорликни таъминловчи муҳим омилдир.

### **1.3. Узумчилик соҳасини ахборот технологиялари**

#### **ёрдамида ривожлантириш**

Бугунги кунда ташқи бозорга интеграциялашувда машҳур фирма ва компанияларнинг имижи катта аҳамиятга эга бўлиб, ўзига ҳос кооператив шакл глобал бозорда ривожлантириш имконини беради. Бозор муҳитини тинимсиз назорат қилмай туриб, бизнесни муваффақиятли юритиб бўлмайди. Аммо, шу ўринда қандай қилиб узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхона менежерлари харидорлар талабларининг ўзгаришини билиши мумкин, деган савол пайдо бўлиши мумкин.

Бу каби масалаларни ечишда замонавий ахборот технологиялари биринчи галда ёрдамга келади. Ундан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, асосий вазифани интернет ва компьютер ахборот тизимлари бажаради. Жумладан, Интернет-тижорат веб-сайтлари эгаларининг янги харидорларни, дистрибьюторлар ва ишбилармон шерикларни жалб қилишда савдо бозорларини кенгайтириш ва корхона учун самарали рекламани таъминлашида кенг имкониятлар яратиб бера олишини таъкидлаб ўтиш лозим.

Инсоният ахборотлаштириш соҳасида ҳақиқий инқилобий ўзгаришлар даврини бошдан кечирмоқда, умумжаҳон ахборотлашган жамияти шакилланимоқда. Бу ўзгаришлар асосини ахборотлаштириш, телекоммуникация ва компьютер технологиялари негизида ахборотни узатиш ҳамда истеъмолчига етказиб беришнинг энг замонавий ва самарали воситалари дунёга келаётганлиги ташкил этади. Электрон тижорат эса иқтисодий мустахкамлашга хизмат қилувчи замонавий соҳа бўлиб, инсоният учун фойдали ва қулай хизмат турларини тақдир этади.

Ҳозирги кунда кундалик ҳаётда бўлгани каби ахборотлаштириш соҳасида ҳар бир тармоғида янгиланишлар бўлмоқда. Алоқа ва ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда жамиятни ахборотлаштиришда муҳим босқичлардан бири бўлиб, иқтисодий ривожланишини тезлаштиришга шароит яратиб берувчи асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

XXI аср техника инсоният ҳали билмаган даражада тез ривожланиб бораётган давр. Одамларнинг моддий фаровонлиги ва албатта оммавий ишлаб чиқариш асоси авваламбор ҳар хил маиший техникалардир.

Узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар фаолиятини йўлга қўйишда ва уни ривожлантиришда Интернет тармоғи асосий воситадир. Шу сабабли, интернет билан боғлиқ жиҳатларини келтириб ўтиш жоиз бўлади.

Интернет - бу оммавий ахборот воситаси. Энг муҳими, оммавий ахборот воситалари бизнесга рекламани жойлаштириш имкониятини беради. Қолаверса, бу жиҳатдан олиб қараганда интернетнинг телевидения, радио ва ҳақозоларга қараганда афзалликлари кўп. Веб-сайтлар, телевизион каналлар, ҳатто аниқ телематик кўрсатувларга қараганда «ихтисослашганроқ» бўлади (бу борада Интернетга газета ва журналларгина тенглашиши мумкин). Бу эса рекламага кетган ҳаражатларнинг самарасини беради. Мазкур ҳолатда «Рекламаларимнинг ярми ҳеч кимга керак эмаслигини биламан; фақат айнан қайси қисми эканлигини билолмайман» тамойили асосида ҳаракат қилиши шарт бўлмайди.

Интернетда реклама интерфаол бўлади (шошилиб телефонни ёзиб ўтирмасдан, қизиққанда шунчаки тугмача босилади, холос). Шунингдек, анча арзонга ҳам тушади.

Интернет савдо учун қулай восита, гарчи бу амалиёт Ўзбекистонда ҳали яхши ривожланмаган бўлсада, Европа ва АҚШ да аксарият одамлар маҳсулотларни Интернет орқали харид қиладилар. Интернет-дўконга кўп ҳаражат ҳам қилинмайди. Ижарага пул ёки кўп ходимлар керак эмас. Интернет-дўконга бир нечта оператор ва маҳсулотларни харидорларга етказувчи курьерларгина кифоя қилади ва нихоят, Интернет-дўкон харидор учун ҳам жуда қулай.

Интернет компанияларга ўз истеъмолчиларини ўрганишга имкон берувчи нихоятда қулай восита ҳисобланади. Албатта, бу ерда гап виртуал компаниялар эмас, балки хувойдо ёки файз сингари улкан ташкилотлар

хусусида бормоқда. Улар учун Интернет шундоқ ҳам улкан бўлган бизнесга шунчаки бир камтарона қўшимчадир Ўзбекистонда кенгайган рақамли транспорт тармоғининг яратилиши, ўз навбатида, ҳамма турдаги фойдаланувчиларнинг бу тур хизматлар, асосан Интернет тармоғи корхона хизматларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун замонавий маълумот узатиш технологияларини ва янги мультимедия хизматларини киритиш учун платформа бўлиб яралди. Бу билан биргаликда бу соҳада, оператор ва интернет хизматлари провайдерларнинг кўпайиши натижасида, ўзаро рақобат муҳити вужудга келди.

Узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарда қайта ишланган маҳсулотларини сотиш масаласи асосий мақсад ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам бу маҳсулотларни харидорбоп қилиб тайёрлаш, бозорга чиқариш ва бошқа маҳсулотлар билан барча хусусиятлари бўйича рақобатдош бўлишини тامينлаш ва жаҳон бозорида етакчи ўринларни егаллаш корхоналар олдида турган муҳим ва долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Хусусан, узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар учун электрон савдони йўлга қўйиш орқали унинг фаолиятини тезлаштириш ва корхоналар маҳсулотларининг жаҳон бозоридан ўрин егаллаш имконига эришган бўлади. Бунинг учун эса узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар учун ҳар томонлама қулай ва имкониятларга эга бўлган электрон дўкон веб-сайтини яратиш зарур бўлади. Шу қаторда товар ва хизматларнинг электрон базасини шакллантириш, электрон тижоратнинг интернет платформасини янада кенгайтириш, шу орқали жаҳон бозорига интеграциялашувни жадаллаштириш, маҳаллий маҳсулотларнинг электрон кўргазмасини ташкил этиш, ахборот-тўлов терминалларини жорий этиш, бу борадаги нормаларни янада такомиллаштириш, уларнинг ижро самарадорлигини ошириш бўйича албатта чора-тадбирлар кўриб чиқилиши зарур бўлади.

#### **1.4. БМИ нинг мақсади ва вазифаси**

Интернет бизнес биз учун имкониётлар тақдим этувчи қуйидаги босқичлардан ташкил топган:

Биринчи босқич - маҳсулот(хизмат)лар ҳақида ахборот узатиш ва ҳамкорликка жалб қилишдир. Бу босқич нафақат реклама имкониётларини кенгайтиради, балки харидор ва сотувчини икки томонлама мулоқотини ташкил этади.

Иккинчи босқич - интернетни бизнесда қўллаш, яъни электрон тижорат ҳисобланади. Бу босқичда сиз корхона электрон дўкони веб-сайтида маҳсулотга буюртма бериб, анъанавий усулда буюртмангизни олишингиз мумкин.

Учинчи босқич - бир қатор корхоналар ўзининг бизнесини турли томонларини ривожлантириш мақсадида интернетни қўллайдилар. Бу босқичда интернет бизнеснинг барча иштирокчиларини жамлайди: корхона ишчиларини, унинг миждозларини, корхона ҳамкорларини, унинг етказиб берувчилари ва ишлаб чиқарувчиларини, тармоқ савдо иштирокчиларини. Бу ҳолда электрон тижорат “электрон бизнесни” ташкилий қисми сифатида эътироф этилади.

Электрон бизнес тижорат операцияларини амалга ошириш барча босқичларини Интернет орқали амалга ошириш кўзда тутилади ва унинг реализацияси бизнес юритишнинг бутун моделини қайта кўриб чиқишни тақазо қилади. Электрон бизнес Интернетдаги тижорат муомалаларининг барча томонларини қамраб олади:

- маркетинг;
- сотув;
- молиявий таҳлил;
- тўловларни ташкил қилиш ва амалга ошириш;
- ишчиларни қидириш ва ишга олиш;
- истъемолчиларни қўллаб қувватлаш.



Электрон бизнес иш юзасидан ҳамкорлар, уларнинг мижозлари ва ишчиларини муносабатларининг янги махсус шаклини ташкил этади.

Шундай қилиб, электрон тижоратни Интернет орқали бизнес юритиш технологияси деб эътироф этиш мумкин.

Ушбу битирув малакавий ишининг мақсади узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар ривожланишига ўз хиссасини қўшиш ва унинг фаолиятини интернет тармоғи орқали ташкил этишдан иборатдир. Бунинг учун аввало Ўзбекистондаги мавжуд имкониятларни ўрганиб чиқиш, бутун дунёда ва мамлакатимизда электрон тижоратни юритиш мақсадида тармоқ технологияларидан фойдаланаётган мавжуд интернет веб-сайтларининг аҳолини ҳар томонлама таҳлил қилиш, улардаги муаммолар, эришилаётган ютуқлар ва яратилаётган имкониятларни эътиборга олиш зарур ҳисобланади.

Ушбу лойиҳани амалга оширишда қайси веб технологиядан фойдаланиш афзаллиги ва самарали иш юритиш учун веб-сайт динамиклигини таъминлаш масалалари ҳал қилиниши керак. Бундан ташқари мижозлар учун етарлича қулайлик яратиши учун мамлакатимизда мавжуд электрон тўлов тизимлари ва уларнинг бугунги кунда нималарга қодир эканлиги муҳокама қилиниши ва натижада улар имкониятларидан фойдаланиб веб-сайт ишини янада мукамаллаштириш масалаларининг таҳлил қилиниши шарт.

Битирув малакавий ишининг вазифаси - узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарнинг интернетдаги фаолиятини кенг йўлга қўйиш, электрон дўкон веб-сайти орқали ўзининг маҳсулотларини савдога чиқариш, харидорларни жалб этиш ва жаҳон бозоридан ўз ўрнини егаллашишига кўмаклашишдир.

“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” йилида бу битирув малакавий иши узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар учун асосий аҳамиятга эга бўлган лойиҳа бўла олади.

## I бобга хулоса

Мамлакатда бугунги кунда узумчилик соҳасини ривожланиши ва узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарнинг ўз маҳсулотларини сотишда электрон савдодан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш ва шу билан бирга интернет технологияларини қўлланилиш таҳлили, интернет тармоғи орқали тақдим этиладиган электрон тижорат дўконлари ва уларнинг аҳамиятли томонлари, камчиликлари, уларни ташкил қилиш тамойиллари, мамлакатимизда аҳолининг интернет тармоғидан фойдаланганлик даражаси таҳлили, электрон тижоратда тўлов тизимлари ва уларда ахборот алмашуви масаласининг ҳал қилиниши ҳақида маълумотлар келтирилди.

Узумчилик соҳасини ривожлантириш ва қайта ишловчи корхоналарнинг сифатли ва харидоргир маҳсулотларни ишлаб чиқишда нималарга эътибор бериш ва қандай йўл тутиш зарурлиги, инсонлар эҳтиёжига ва талабига мос бўладиган маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва буни савдога олиб чиқишда қандай усул ва воситалардан босиб ўтиш муҳим эканли назарда тутилган.

Электрон тижоратни юритишда интернет глобал тармоғидан фойдаланишнинг ўзига хос томонлари келтирилди. Бу имкониятдан фойдаланиш барчага, яъни тижоратда иштирок этувчи барча шахсларга бир қанча қулайликлар келтиради. Қисқача айтадиган бўлсак, интернет тармоғида қайта ишланган узумчилик маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчи веб-сайтдан фойдаланишнинг афзаллиги шуки, харидор ва сотувчи учун маълумот алмашиш арзон, тез, қулай, исталган пайтда ва исталган жойдан туриб мурожаат қилиш мумкинлигидадир.

Хусусан, узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарнинг фаолиятини такомиллаштиришда кенг йўлга қўйилиши керак бўлган чора ва тадбирлар нималардан иборат эканлигини ва ўзига хос хусусиятлари кўрсатиб ўтилган.

## **II БОБ. УЗУМЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛОВЧИ КОРХОНАЛАР ЭЛЕКТРОН САВДОСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАМОЙИЛАРИ**

### **2.1. Узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхона электрон савдосининг асосий тамойиллари**

Интернетда электрон тижорат билан шуғулланиш тушунчаси остида маҳсулот буюртмасини қабул қилиш, тўловни амалга ошириш, маҳсулот (хизмат бажарилиши) етказиб берилишидаги бошқарувда қатнашувни ўз ичига олувчи операциялар (амаллар) тушунилади.

Узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхона электрон дўконини лойихалашдан олдин бундай имкониятга эга бўлган интернет дўконларнинг ишлаш тамойиллари билан танишиб чиқсак.

Интернет дўконга ташриф буюрувчилар биринчидан омборда бор маҳсулотлар рўйхати билан танишиши мумкин, яъни бу қандайдир бир ташкилотнинг автоматлаштирилган тизимига уланган онлайн растадир. Бу ерда виртуал бўлмаган реал дўкон савдосидаги маҳсулотлар рўйхати ва тафсилотлари келтирилади. Омбор таркиби маҳсулотлар гуруҳи сифатида иерархик дарахтсимон структура кўринишида тасвирланади. Агар маҳсулотлар гуруҳи устида босилса, унинг қисм каталоглари ёки маълумоти билан ҳам танишиш мумкин ва ўз саватига солиши мумкин.

Мижоз “буюртма бериш” буйруғини бериши ва қулай бўлган тўлов шаклини танлаши мумкин. Агар мижоз бу дўконда биринчи марта харид қилаётган бўлса, одатда ундан у ҳақида бир қанча маълумотлар сўралади: исми-шарифи, телефони, манзили ва бошқалар. Коорпоратив харидорлар эса ташкилот номи, ҳисоб рақам номери, контакт шахснинг исми ва телефони каби маълумотларни беради. Бу босқичда харидорга маълум идентификацион код бириктирилади. Бу шунинг учунки, кейинги сафар харид қилишда ўзи ҳақида қайта маълумот бериб ўтирмасдан, ўз кодини кўрсатади.

Кейин мижозга у тўлаши лозим бўлган ҳисоб юборилади ва дўкондан маълум вақт мобайнида маҳсулотни олиб кетиши кераклигини билдирилади.

Онлайн дўконлар кредит карточка билан ҳам тўловни амалга оширилиши мумкин. Бу ҳолда миждоз ўзи ҳақидаги маълумот билан бирга кредит карта номерини ҳам кўрсатиши лозим. Шундан сўнг процессинг марказида унинг кредит картаси авторизацияси амалга оширилади. Жараён муваффақиятли яқунланса, маблағ миждоз ҳисобидан олинади ва маҳсулот омборхонада резервланади. Сўнгра фирма ходимлари харидор билан телефон орқали боғланиб, курьер билан унга маҳсулотни жўнатадилар. Миждоз хохиши билан унинг ўзи дўконга келиши ва буюртмани олиб кетиши мумкин.

Миждоз ҳисобидан олинган маблағ банк томонидан электрон дўкон ҳисобига ўтказилади.

Демак, деярли барча интернет дўконлар юқоридаги механизм бўйича фаолият юритилади. Уларнинг айримларини алоҳида кўриб чиқсак. Масалан, “Озон” интернет дўкони интернетда [www.ozon.com](http://www.ozon.com) адресида жойлашган бўлиб, у ўз хизматларини Windows NT – операцион тизими остида MySQL маълумотлар базасини бошқариш тизимига (МББТ) мурожаат билан тақдим этади. Ушбу дўкон Веб иловалари JavaScript ёки VBScript тилларида йўриқномалар қўйилган, Active Server Pages (ASP) файллар мажмуаси сифатида тузилган. Дўкон китоблар, мақолалар, дастурий таъминотлар ва ўргатувчи дастурлар, видео ва dvd дисклар, болалар учун маҳсулотлар, совғалар, ўйинчоқлар ва бошқа кўплаб маҳсулотлар савдоси билан шуғулланади. Бугунги кунда “Озон” 750.000 қайд қилинган миждозларга эга ва улардан 250.000 та миждозлар 97 та мамлакатдан бўлиб, ҳеч бўлмаган бир марта харид қилганлар. Хар ойда дўконда 20-22 мингта фойдаланувчи қайд қилинади, сайтга кунига 70-80000 киши ташриф буюради. Бу рақамлар жуда улкан ютуқ бўлиб, хар қандай ресурс фахрланса арзийдиган кўрсаткичлардир.

Ўртача ҳисобда, “Озон” кунига 1500-1600 та буюртма қабул қилади. 6 йил ичида дўкон ходимлари бутун дунё бўйлаб 750000 чамаси буюртмаларни бажарганлар: 1,7 млн. та китоб, 425000 видеокассеталар, 26000 компакт-дисклар, ва бошқалар. Бу буюртмаларнинг умумий оғирлиги –

890 тоннани ташкил этади. Охирги йилни олиб қарайдигин бўлсак, биргина DVD бўлимида савдо кўрсаткичлари анчагина ошиб кетган.

Дўконда қуйидагича буюртмаларни етказиб бериш имкониятлари мавжуд:

- курьерлик хизмати билан; (Россия, Украина, Баку)
- TNT Express халқаро курьерлик хизмати билан;
- Оддий почта, ёхуд Россия, яқин ва узоқ мамлакатлар бўйлаб авиапочта

орқали;

- Москва ва Санкт-Петербургда “Озон” офисига мижознинг ўзи ташриф буюриши билан.

Буюртма нархи – маҳсулот нархи ва етказиб бериш хизмати ҳаққидан келиб чиқади. Бу интернет дўкон тўловнинг турли шакллари ташриф эта олади:

- етказиб бериш вақтида курьерга нақд пул тўлаш.
- Нақдсиз ҳисоблашни (ташкilotлар учун).
- Банк орқали пул ўтказиш
- WebMoney, Яндекс, Деньги, PayPal ва Kredit Pilot тўлов тизимлари

орқали тўлаш.

- “Rapida” тўлов тизими орқали тўлаш.
- Почта ва телеграф орқали тўлаш.
- VISA, EuroCard, Master Card, Credit Card, Diners Club, STB Card (Set – сертификатлари билан) кредит карталари билан тўлаш.
- Канада ва АҚШда Certified Check, Money Order чеклари билан тўлаш.

OsCommerce дастури билан яратилган интернет-дўконларининг ишлаш принципи билан танишиб чиқсак.

OsCommerce – бу интернет - дўконларини таъминлаш учун дастурий комплексдир. Бу тизим GNU GPL лицензияси барчага текин тарқатилади. Комплекс ўзига хос хусусияти билан кўпчилик тижорат лойиҳалари билан рақобатлаша олади. У қуйидагича функционал имкониятларини тақдим этади:

- харидорларни қайд қилиш;
- буюртмалар нархи;
- қулай қидирув тизими;
- маҳсулотлар учун изоҳлар ва фикрлар билдириш;
- электрон почтага хабар қилиш;
- SSL ёрдамида хавфсиз транзакция;
- Кўп сотиладиган маҳсулотларнинг рўйхати;
- Администратор учун қулай панель ва бошқалар.

Бундай дастурий таъминотни [www.oscommerce.com](http://www.oscommerce.com) сайтидан текинга жорий версияни кўчириб олиш мумкин.

Бугунги кунда тармоқ бозорида кўплаб бу каби дастурий таъминотларни (текинга ва пуллик) топиш мумкин. Ўз молларини интернет орқали сотувга чиқаришини, ўз келажагини ривожлантиришни кўзлаган ташкилотлар ўз дўконлари учун дастурий таъминот танлаганларида бу масалага жиддий ёндашишлари зарур бўлади. Ишончлилик, функционалик ва тузилишни савдо параметрларини ва дўкон дизайнини ўзгартириш имконияти онлайн бизнесда динамик ривожланиши ва кенгайтириш учун муҳим аспект ҳисобланади. Бунда дастурий таъминот хавфсизлигига, тўловларни автоматлаштиришга, дунёнинг муайян мамлакатининг маълум бир шартларига кўра бу маҳсулотни монализациялашга алоҳида эътибор берилади.

Ҳозирда ҳатто Россия интернетининг истиқболи дўконлари ҳам маҳсулот ва хизматларини дунёнинг бошқа мамлакатларига сотиш имкониятига эга эмаслар. Собиқ СССР мамлакатларида ҳам худди шу аҳвол. Интернет орқали савдони йўлга қўйишдан мақсад бизнесни интернационаллаштириш экан, бундай имкониятни **OsCommerce** билан ташкил қилиш анча осон кечади.

OsCommerce – очик, текин дастурий таъминот бўлиб, у барча зарурий функция, кўпчилик тиллар ва валюталарни қўллаб-қувватлайди.

Юқорида интернетда мавжуд бўлган истиқболли электрон дўконларнинг ишлаш принципи ва фаолияти билан танишиб чиқиб, улар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхона миллий интернет дўконини лойиҳалаш ва ишлашини асосий тамойилларига аниқлик киритамиз.

Узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхона интернет дўкони Windows XP – операцион тизимида ишловчи технологиялар асосида бажарилган бўлиб, MySQL МББТ га мурожаатни амалга оширади. Дўкон веб-иловалари PHP технология асосида JScript ва VBScript тилларида ёзилган кодлар қўшиб бажарилган. Дўконга мурожаат қилганда Веб-сервер томонидан саҳифа сўровлари бажарилиб мижоз веб-буйруқларига HTML код шаклида узатилади. Дўкон сайтини динамик ташкил этиш учун МБ дан фойдаланилади. МБ лар MySQL МББТда яратилган бўлиб унга мурожаат маҳсус ADO (Active Data Object) объекти орқали амалга оширилади. ADO объекти ихтиёрий турдаги МБ ларга бир хил шаклда мурожаатни таъминловчи OLE-DBга асосланади. (Масалан электрон жадвалларга, матн файлларга, Paradox, dBase, Access, MS-SQL ва ODBC интерфейси орқали ихтиёрий МББТ базаларига).

Узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхона интернет дўкони ишлаш принципини кўриб чиқадиган бўлсак, унга ташриф буюрганлар биринчидан маълумотлар базасида мавжуд молларни тематик каталоглар асосида жойлаштирилган рўйхати билан танишишлари мумкин.

Узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхона интернет дўконда фойдаланувчилар веб-сайт ҳақида фикр-мулоҳазалар билдиришади ёки бўлмаса веб-сайт эгасига (администраторига) мурожаат қилишлари учун саҳифанинг ўнг томонида маҳсус форма жойлаштирилган бўлиб унга киритилган маълумотлар фақат администратор мурожаат қила оладиган маълумотлар базасига жойлаштирилади.

Бундан ташқари сайтда мижозлар учун қайта ишланган узумчилик маҳсулотлари рейтингини белгилаш имконияти берилади. Бу билан

фойдаланувчилар ўзларига ёқадиган қайта ишланган узумчилик маҳсулотлари овоз бериб, уни рейтинг бўйича юқорида жойлашувига ёрдам беради.

Саҳифада доим янгиликлар бериб борилади. Бунда янгиликларни, администратор ўзи учун махсус панелга кириб, ўзгартириб туриши мумкин. Агар интернет дўконида янги маҳсулот келиб тушадиган бўлса, ёки айрим маҳсулотлар тугаб қолган бўлса, сайт каталогига ўзгартириш киритиш ҳам администратор томонидан олиб борилади.

Саҳифадаги “янги маҳсулотлар” бўлимида дўкон омборхонасига янги келган маҳсулотларни кўриш мумкин. Янги маҳсулотлар ҳақида бу бўлимда администратор маълумот киритиши шарт эмас.

Электрон дўконида маҳсулот сотиб олишни хоҳловчилар аввало ўзларига электрон сават олишлари, бунинг учун эса сайтдан қайд қилинишлари керак. Шундан сўнг керакли маҳсулотларни кўздан кечириб саватига солиб боради. Танлов тугагач, саватига кириб, зарур маҳсулотлар учун буюртма беради. Бунда харидор маълумотлари, сотиб олинadиган маҳсулот ҳақида ва бошқа маълумотлар электрон дўкон иш юритувчисига маълумотлар базасига келиб тушади. Буюртма келиб тушгач, дўконда белгиланган муддат ичида дўкон иш юритувчиси харидор билан боғланиб, пул тўлаш усули ва етказиб бериш шароити, вақтини келишиб оладилар. Электрон тижорат дўконимизни савдо жараёнини бундай услубда ташкил этилишига бир мунча сабаблар мавжуд. Мамлакатимизда интернет тармоғи орқали тўлақонли фаолият юритувчи электрон тўлов тизимининг йўқлиги, ўзбек сўмининг эквиваленти бўлган WebMoney тўлов тизимини WMZ рақамли пулларида фойдаланишда ҳам ҳали бунга мамлакатимизда қонуний-ҳуқуқий асос йўқлиги ва бошқа бир қанча сабабларни келтириш мумкин.

Етказиб бериш пайтида тўловни амалга оширишнинг қулайлиги шундаки, харидор шу ернинг ўзида маҳсулот сифатини кўздан кечириши ва дўкон учун ҳам энг ишончли бўлган тўлов усулидан фойдаланишидадир.



## **2.2. Узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхона электрон дўкони веб-сайтнинг алгоритми ва структураси**

Электрон дўконни ташкил этиш олдидан бу веб-сайт қанақа алгоритм асосида қурилиши кераклиги ва унинг структуравий тузилишига этибор қаратиш лозим бўлади.

Узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхона савдосини амалга оширувчи электрон дўконини ташкил этиш борасида бир қанча жиҳатларни келтириб ўтиш мумкин. Бунда электрон дўкони веб-сайтнинг фойдаланувчилари, мижозлари сайтда бемалол ишлаш имконига ега бўлишини келтириб ўтиш мумкин. Шу борада веб-сайт яратувчилар бу жиҳатларни ҳисобга олиб талабларга ва еҳтиёжларга мос ҳолда буни амалга оширишни мақсад қилади.

Тизимли веб-сайт бир-бирига боғланган гиперсилкали саҳифалардан ташкил топганлиги сабабли уларни, яъни саҳифаларни боғлаш кўпроқ меҳнат ва масулиятли бўлишни талаб қилади. Шу сабабли бу жиҳатларга катта эътиборли бўлиши лозим.

Веб-сайт тузилиши – ташриф буюрувчиларга зарур маълумотларни тез излаб топишлари учун маълумотларни тизимлаштиришдир. Шу асосда веб-сайтда бир-бирига боғланган маълумотларни тизимини ташкил қилиш ва бундан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Бунда пухта ўйлаб лойихаланган сайт архитектураси фойдаланувчилар қизиқтирган маълумотларни топишга кам вақт сарфлашларига кафолат беради. Сайт архитектурасини ишлаб чиқишда интернет бозорида маҳсулотлар ва хизматлар айланиши нуқтаи назарда муҳим бўлган маълумотларни ҳисобга олиш зарур. Янги сайт структурасини лойихалаш жараёнида ёки мавжуд ресурснинг структурасини мукамаллаштириш айнан бир маълумотга диққатни тортиш ва шу орқали потенциал мижозларни сайтнинг муҳим бўлимларига мурожаатлари билан сайтга ташриф буюришлик даражасини ошириш мумкин. Бу узумчилик маҳсулотларини

қайта ишловчи корхона электрон дўконининг архитектурасида ишлаб чиқишида қуйидаги функциялар амалга ошириши кўзда тутилган:


- On-line дўконда сотиладиган маҳсулотлар маълумотлар базаси
- On-line каталоглар, маҳсулот категориясига қараб бўлинган
- савдо аравачаси, сотиб олиш мақсадида фойдаланувчи учун маҳсулотларни жойлаштириш
- охириги ҳисоб-китоб, тўлов ва маҳсулотни етказиб бериш бўйича охириги ишлар
- администраторлар интерфейси

Биз тузаётган дўкон тизими қуйидагиларга жавоб бериши керак.

- Фойдаланувчи броузерига маълумотлар базасининг боғланиши. Категорияларга бўлинган, каталогларда маҳсулотларнинг жойлашувини фойдаланувчи кўриб чиқиш имкониятига эга бўлиши керак.
- Фойдаланувчи каталогдан маҳсулот йўналишини танлаб, кейинги танлаш имкониятига эга бўлиши керак. Фойдаланувчи танлаган ҳолатни кўздан кечириш механизмидан фойдаланиши керак.
- Ҳарид тугатилганда умумий буюртма ҳисобланиши керак ва етказиб бериш ҳақида таклиф, тўлов шarti қайта ишланиши керак.
- Узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхона интернет дўкони администратор интерфейси қурилади. Администратор сайтда телефон ва категорияларни қўшиш ва ахборотларни таҳрир қилиш имкониятига эга бўлиши керак.

Хусусан, узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар учун ташкил этилган электрон дўкон веб-сайтини яратишида дастлаб маълум алгоритми тузилади. Веб-сайтнинг тузилиш алгоритми веб-сайтнинг асосий фундаментал босқичи ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам алгоритм қанчалик қулай ва мукамал бўлса веб-сайт фойдаланувчилари ҳам бу сайтдан унумли фойдалана олиш имконига эга бўлади.

Қуйидаги (2.1. Расмда) веб-сайтнинг тузилиш алгоритми келтирилган:



2.1. Расм. Узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхона электрон дўкони веб-сайтнинг ишлаш алгоритми.

Веб-сайтнинг дастурий таъминот қисмида сайтнинг операцион ва сервер қисмларининг ўзаро алоқалари ва алоқалари масаласи кўрилади. Яъни операцион қисмда интернет дўкони яратиш технологиялари дастурлаш тили ва МБ масалалари ҳал қилинади. Бу мавзуда бобнинг кейинги бўлимида тўлиқроқ тўхталамиз. Сервер қисмида эса интернет дўкони яратиш технологиясини қўллаб-қувватлайдиган провайдер орқали интернетда жойлаштириш масаласи ҳал қилинади.

Администратор бўлимида интернет дўкон элементларини бошқариш масаласи интернет-дўконни умумий сошлаш ишлари амалга оширилади. Администратор бўлимига бевосита тармоқдан туриб, яогин ва парояв билан муружат қилиш мумкин. Бу саҳифада қуйдагича имкониятлар амалга оширилиши мумкин:

- каталогларга ва қисм каталогларига ўзгартириш киритиш;
- маҳсулот ҳақидаги маълумотларни ўзгартириш, ўчириш, янгилик киритиш;
- администратор логик ёки паролини ўзгартириш;
- сайт янгиликларини ўзгартириш;
- буюртма маълумотларини олиш;
- фойдаланувчилар қолдирган фикр-мулоҳазалар билан танишиш.

Ушбу бўлимларда ўзгартириш бажарилганда МБдаги мос жадваллар маълумотларига ўзгартириш киритилади.

Сайтнинг мижоз қисми максимал қулайликка эга бўлиши ва потенциал мижозлар билан индивидуал ишлашни ташкил этиши лозим. Саҳифалар тушунарли мулоқотли ойналардан, қулай тўлов усули ва маҳсулотни етказиб бериш имконияти билан таъминланиши керак. Ташриф буюрувчиларнинг фикрини ёки уларда пайдо бўлган саволларга жавоб бериш учун тесқари алоқа ўрнатиш ҳам муҳим факторлардан бири ҳисобланади.

Интернетда мавжуд дўконларнинг ишлашини таҳлил қилиб, уяли алоқа воситалари дўконини лойихалаштиришда, албатта, қуйидагиларни билиши назарда тутилади:

1. Веб-витрина. Дўкон маҳсулотлари растаси деса ҳам бўлади. Маҳсулотлар каталогларга жойлаштирилиши керак, фойдаланувчи тез излаб топиши учун.

2. ҳар бир маҳсулотнинг қисқача ва тўлиқ тавсифи келтирилиши керак.

3. кўримли билиш учун маркетинг тадқиқотларига асосан гуруҳларга ажратилган ва маҳсулотлардан ташкил топган махсус бўлимларни қўйиш зарур. Масалан “янги маҳсулотлар” (савдога яқинда чиқарилган маҳсулотлар)

4. электрон дўконда ахборот бўлимларининг бўлиши:

- дўкон ҳақида (унинг фаолият доираси, адреси, контакт телефони ва х.к)

- мол нархлари ҳақида маълумотлар

- чегирмалар ҳақида маълумотлар

- дўкон янгиликлари


- бошқа фойдали маълумотлар

5. интернет дўконнинг харидорга кўринмайдиган бэк-офис қисми, яъни бошқарув қисми. Бу қисмга администратор ўз логин ва пароли билан мурожаат қилиб, интернет дўконнинг таркибини бошқариши, ўзгартириши мумкин.

Харидорлар маҳсулотлар билан танишиб бўлгач уларни сотиб олиш учун ўз саватига солишлари керак. Бунинг учун улар олдин саватга эга бўлиш учун қайд қилинишлари зарур. Саватни очиб кўриш учун ўз логин ва парольларини киритишлари керак бўлади. Маҳсулотни ўз саватига солиш дегани уни энди сотиб олишга мажбур деган эмас. Агар харидор фикридан қайтиб бу маҳсулотга эҳтиёжи йўқлигини сезса, уни ўз саватидан ўчириб ташлаши ҳам мумкин. Сотиб олишга буюртма берилгач буюртма маълумотларини тасдиқлаш саҳифаси харидорга тақдим этилади. Харидор тасдиқлаганидан кейин буюртма ҳақидаги маълумотлар маълумотлар базасига ёзилиб қолинади ва администратор буюртмаларни кўздан кечириб харидорлар билан боғланади. Келишилган холда ва вақтда харидор айтган

манзилга маҳсулот курьер томонидан етказиб берилади ва шу моментда харидор томонидан нақд пул тўлаш орқали тўлов амалга оширилади.

Қуйида электрон дўконнинг боғланиш структуралари келтирилган.



2.2.расм. Узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхона электрон дўкони веб-сайти менюси ва саҳифаси структураси.

Бу ерда веб-сайтнинг саҳифалари, функция ва амаллари бир-бирига боғланган ҳолда ишлаши структура кўринишда берилган. Электрон дўкон веб-сайтнинг тили ўзгариши билан саҳифадаги номлар ҳам мос равишда ўзгаради.

Биз юқорида келтирилган алгоритм ва структура ёрдамида узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхона электрон дўкони веб-сайтини яратиб олиш имкониятига ега бўламиз.

## **2.3. Узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхона электрон дўкони веб-сайтини яратиш веб технологияси**

Узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхона электрон дўкони веб-сайтини яратишда қўлланган веб технологияларни қуйида бирин-кетин ёритиб ўтамиз.

Дастлаб PHP дастурлаш тилининг яратилиш тарихига назар ташласак. Бу дастурлаш тили 1995 йил Расмус Лердорф томонидан яратилган. Расмус Лердорф дастлаб Perl/CGI internet сайтларига кирганларнинг сонини аниқлайдиган дастурча тузади. Шу дастур PHP дастурлаш тилининг яратилишига асос бўлди. Ўша пайтда бундай сайтга кирганларнинг сонини ҳисоблайдиган дастур йўқ эди. Яъни Расмус Лердорфнинг бу дастури ўша давр учун янгилик эди. Шунинг учун кўпчилик унинг бу дастури билан қизиқа бошлади. Унга кўплаб ҳар хил мамлакатлардан, ҳар хил тилларда, аммо асосан мазмуни бир хил бўлган мактублар кела бошлади. Бу мактубларнинг аксариятида, бу ишни қандай қилиб қилганлиги сўралган эди.

Шунда Расмус Лердорф ўзининг бу дастурини PHP(Personal Home Page ёки Hypertext Processor) деб атаганини ва уни тез орада кенг оммага тарқатишини эълон қилади. Сўнг у ўзининг бу дастурини текин “ Open Source ” сифатида тарқатишни бошлади.

Шу тариқа веб дастурлаш оламида буюк кашфиёт яратилишига асос солинди. Яъни веб дастурлаш оламига сервер томонидан дастурлаш тушунчаси яратилди.

PHP дастурлаш тили жуда жадаллик билан тарқала бошлади. Бундай катта тезликда тарқалиб, жуда кўплаб қўлланила бошлаганини кўрган Расмус Лердорф PHP ни ривожлантиришга тушди. Яъни янги компоненталар қўшиш, имкониятларини ошириш қўшимча командаларини кенгайтиришни бошлади. Оқибатда Перлнинг ўзи унинг учун камлик қила бошлади.

Шундай қилиб у бу дастурини C дастурлаш тилида ёзиши бошлади. Бу C тилида тузилаётган PHP дастурини яратишда бутун дунёнинг ҳар хил минтақаларидан чиққан дастурчилар қатнаша бошлади. Бу эса ушбу PHP

дастурлаш тилининг бутун дунё бўйлаб жуда катта тезлик билан оммалашшига замин яратди.

Шу тариқа веб дастурлаш оламида жуда катта бурилишга сабабчи бўлган PHP дастурлаш тили дунёга келди ва бутун дунёга тарқала бошлади.

Жуда оз фурсат, яъни 1995 ва 1997 йиллар оралиғида PHP дастурлаш тилидан фойдаланаётган дастурчиларнинг сони эллик мингдан ошган бўлса, 1999 йилга келиб эса ушбу дастурдан фойдаланувчилар сони юз мингдан ортди.

Бу рақамларнинг ўзи ҳам PHP дастурлаш тили ҳозирги “IT Технологиялари” асрида нақадар зарурий омиллардан бири эканлигини билдиради.

Биз PHP нинг қандай сабабларга билан бундай катта тезликда тарқалганлиги ва унинг қандай ишлашига тўхталишдан олдин Интернет тармоғи технологияларининг қандай тартибда ишлашига тўхталиб ўтсак. Чунки PHP шу тизим асосида ишлайди яъни PHP – динамик веб саҳифа (илова) яратиш учун махсус чиқарилган дастурлаш тилидир.

Интернет тармоғи WWW (World Wide Web яъни Дунё Ўргимчак Тўри) деб юритилади. Бу ерда асосан маълумотлар HTML (Language Hyper Text Mark up) саҳифаларда узатилади. Уни веб браузерлар ўқийди ва HTML саҳифадаги махсус теглардан фойдаланиб бизга Браузер ойнасида саҳифани тушунарли форматда кўрсатади. Бундай Браузерларнинг бир қанчасини санаб ўтишимиз мумкин. Лекин ҳозирги кунда кенг омма томонидан ишлатилаётганларини санаш билан чекланамиз. Булар Internet Explorer, Opera, Mozilla, Fire Fox ва бошқалар.

Фойдаланувчи веб браузер ойнасининг адрес қисмига, чақираётган саҳифасининг адреси (яъни номи) ва қайси доменда эканлигини ёзади. Агар кўрсатилган доменда шу номли саҳифа (яъни портал) мавжуд бўлса уни фойдаланувчига узатади. Домен веб-порталнинг қайси ташкилот ёки давлатга тегишли эканлигини билдирувчи қисм. Шу доменга қараб веб-порталнинг қайси мамлакатга тегишли серверда жойлашганини аниқлаш мумкин.



Доменлар, бирламчи доменлар, иккиламчи доменларга бўлинади. Веб адресда нечта нуқта борлигига қараб унинг қандай доменлигини аниқлаш мумкин. Бровзер Дастлаб охири нуқтадан кейинги сўзни ўқийди.

Бизнинг мисолимизда “UZ” ёзилган демак чақираётган веб-порталimiz Ўзбекистон давлатига тегишли серверда жойлашган. (“RU” – Россия, “UK” – Униited Кингдом “UKR” – Украина “USA” АҚШ ва бошқалар) Шундай ҳар бир мамлакатнинг ўзини домени бўлиб, бу доменлар АҚШ даги Интернет тармоғининг асосий серверидан рўйхатдан ўтган бўлади.


Давлатларнинг доменларидан ташқари, ҳар хил тижорат мақсадида ишлайдиган доменлар ҳам мавжуд. Бровзер агар адрес ёзилган қатордаги домен мавжуд бўлса ўша доменга боради ва кейинги нуқтадан кейинги сўзни қарайди. Агар бу нуқтадан олдин бошқа нуқта мавжуд бўлмаса, Бровзер бу порталнинг бирламчи домента жойлашганини аниқлайди ва шу саҳифани Бровзер ойнасига узатади. Агар бу домента бундай ном билан рўйхатдан ўтган портални тополмаса бровзер ойнасига тополмаганлиги ҳақида маълумот узатади.

Сервер махсус турдаги компьютер бўлиб бир вақтнинг ўзида бир нечта фойдаланувчига маълумот узатишга, яъни хизмат кўрсатишга мўлжалланган бўлади. Бундай компьютерга махсус операцион тизимлар ўрнатилган бўлади.

Мисол қилиб Microsoft томонидан чиқарилган Intel NetServer типдаги шинали машиналарга мўлжалланган Microsoft NETWare, Microsoft сервер 2000, Microsoft сервер 2003. SUN ташкилоти томонидан шундай компьютерлар учун чиқарилган UNIX, Linux, Новелл каби операцион тизимларни мисол қилиб олишимиз мумкин.

Фойдаланувчиларга қулайлик яратиш учун PHP саҳифаларни кўриш учун Apache Server PHP модули билан ёки IIS PHP модули билан бирга бўлиши керак.


Юқорида Интернет технологияларини HTML саҳифа узатиш асосида ишалшини айтгандик.



2.3-расм. Интернет технологияларининг HTML саҳифа орқали узатиш асосида ишлаши.

Ишлаш принципи: Клиент машинасидаги веб браузердан туриб (адрес катордан) веб-серверга сўров жўнатилади. Веб-серверда сўров жўнатилган клиент машинанинг TCP/IP адреси аниқланади ва ўша TCP/IP адресга HTML саҳифа жўнатилади. Веб браузер бу HTML саҳифани қайта ишлаб, HTML тегларидан фойдаланиб клиент машинасига, яъни веб-браузер ойнасига маълумот узатади. Веб браузерлар фақат HTML тегларинигина ўқий олади.

Веб-порталнинг ҳар бир саҳифаси алоҳида HTML саҳифада сақланиши зарур эди. Айрим порталларнинг саҳифалари сони кўпайиб, портал юзлаб саҳифалардан иборат бўла бошлади. Бу эса веб-серверларни ишини кийинлаштириб, улар хотираси тўлиб боришига сабаб бўла бошлади. Шунда ўз ўзидан динамик веб-порталларга бўлган талаблар тобора ошиб борди. Мана шу пайтда Расмус Лердорф томонидан юқорида айтганимиздек Динамик веб-сайтлар яратиш учун махсус PHP тили яратилди. Бу веб дастурлашда сервердан туриб дастурлашдир. Бу пайтгача веб дастурлаш оламида асосан Клиент томондан туриб дастурлаш амалга ошириларди. PHP дастурлаш тилини том маънода веб-серверда ўрнатилган HTML генератори деб атаса ҳам бўлади. Бу ихтиро веб-серверларда турган юзлаб HTML саҳифаларни қисқаришига сабаб бўлди.



2.3-расм. Интернет технологияларининг PHP HTML саҳифа орқали узатиш асосида ишлаши.

Ишлаш принци: Клиент машинасидаги веб браузердан туриб (адрес катордан) веб-серверга сўров жўнатилади. Сервер бу сўровни PHPга беради. PHP HTML саҳифа яратади ва клиент машинасига TCP/IP адреси орқали жўнатади. Веб браузер бу HTML саҳифани қайта ишлаб, HTML тегларидан фойдаланиб клиент машинасига, яъни веб браузер ойнасига маълумот узатади.

PHP нинг бу хусусияти унинг жуда катта тезлик билан оммалашувига олиб келди. Шу тариқа веб дастурлаш кенгайиб борди. Шу сабабдан XXI аср инсоният томонидан “ИТ – Технологиялари” (ИТ – Информацион тармоқ) асри деб эълон қилинди.

PHP яратилгандан сўнг ортидан ISP.NET, VB.NET технологиялари яратилди. Аммо булар PHP тилининг обрўсини тушишига сабаб бўлмади. PHP ўзининг текинлиги ва ишлаши керак бўлган веб сервердан унча қиммат бўлмаган аппарат таъминоти талаб қилиши билан бошқа шу турдаги дастурлаш тилларидан ажралиб туради. Ҳамда PHP нинг ўз кадр-қимматини сақлаб туришига унда ишлашнинг анча қулайлигини ҳам кўрсатиш мумкин. Бу система яратилгандан сўнг инсоният ўз ҳаётини Интернет тармоғисиз тасаввур қила олмай қолди. Яъни Интернет тармоғи жуда катта тезлик билан ривожлана бошлади. Интернет тармоғининг бундай ривожланиши

инсониятга келтирган фойдаларидан бири сифатида E-Mail (Электрон почта) тизимини олишимиз мумкин. Бу тизим инсониятни оғирини анча енгиллаштирди. Яъни инсонлар энди бирор жойга хат ёзмокчи бўлса, аввал хатини почтага бериб кейин почта жўнатишга жойига етиб бориб сўнг кимга юборилса ўшанинг қўлига етиб боргунса бўлган узоқ ва серҳаражат Почта тизимидан, анча кам ҳаражат бўлган E-Mail тизимидан фойдаланишни бошладилар. Бу тизимнинг афзаллиги, мактубнинг жуда катта тезликда етиб боришида эди. Бунда хат бирор одамнинг бирор E-Mail тизимида ишлайдиган веб-порталида рўйхатдан ўтган электрон адресидан бошқа (балки ўша) E-Mail тизимида ишлайдиган веб-порталида рўйхатдан ўтган электрон адресига тушади. Хатни олиши керак бўлган шахс, ихтиёрий жойда Интернет тармоғига уланган компьютерда туриб ўз электрон манзилига келган хатни очиб ўқиши мумкин. Бундай E-Mail тизими мавжуд порталлар жуда кўп бўлиб, уларнинг аксарияти бир-бирига хат юборишда муаммага учрамайди. Бундай порталларнинг юртимизда кенг қўлланилаётганларини санаб ўтамиз. Булар Mail.Ru, Rambler.Ru, Gmail.ru, Yandex.ru, Yahoo.com, Gmail.com, Yandex.com ва бошқалар.

Web-дастурлашнинг жадаллик билан ривожланиши ва РНР нинг шу қадар кенг оммалашуви асосий сабабларидан яна бири – дунёда ахборот тарқалишига, ва тарқалиш тезлигига бўлган талабнинг ошишидир. Ҳозирги “ИТ –Технологиялари” асрида ахборот тарқалиши, умуман маълумот алмашинуви учун энг қулай восита, бу INTERNET бўлиб қолди. қайси компания ёки ташкилот тезроқ ва аниқроқ ахборот етказиб беролмаса, унинг бундай ахборот тарқатишдаги рақобат оламида ўз фаолиятини давом этдириши қийин бўлиб қолди. Шу сабабдан ҳар бир ташкилот ўзининг ахборот тарқатадиган веб-порталини тинимсиз равишда янгилаб бориши зарур бўлиб қолди. Бу эса веб-дастурчиларга бўлган қизиқиш ва талабнинг анча ошишига олиб келди. РНР дастурчиларининг сони кўпайди, чунки юқорида айтиб ўтганимиздек РНР дастурлаш тили анча арзон аппарат таъминоти талаб қилади. Ҳамма ташкилотларнинг ҳам ISP.NET ёки VB.NET

технологияларига жавоб берадиган аппаратура олишга қурби етмайди. Иқтисодий ривожланган айрим мамлакатларда ҳозирги кунда бу каби технологияларини бемалол торта оладиган қудратли веб-серверлар ўрнатлиши натижасида бу мамлакатларда PHP нинг мавқеи бироз пасайган. Бироқ хатто Россиядек яхши ривожланган давлатда ҳам PHP кенг кўламда ишлатилади. Кейин ҳозирги кунда дунёда иқтисодий бақувват мамлакатлардан кўра иқтисодий қолоқ мамлакатлар кўп.

MySQL ни фақат mSQL камчиликларига жавоб сифатида қараш нотўғридир. Унинг ихтирочиси Майкл Видениус (яна Монти сифатида маълум) швед компанияси TsX ходими маълумотлар базаси билан 1979 йилдан бери ишлайди. Яқин пайтгача Видениус TsX да фақат дастурчи эди. 1979 йилда фирма ичида фойдаланиш учун UNIREG номли маълумотлар базасини бошқариш воситасини яратди. 1979 йилдан сўнг UNIREG бир неча тилларда ёзилди ва катта маълумотлар базаларини қўллаш учун кенгайтирилди. Битта дастур бажарилаётган ҳар бир жараён бу дастур нусхаси дейилади, чунки худди ўзгарувчи нусхаси каби хотирадан жой олади.

1994 йилда TsX WWW учун амалий дастурлар ярата бошлади ва бу лойиҳани қўллашда UNIREG дан фойдаланди. Бахтга қарши, UNIREG катта ҳаражатлар талаб қилгани учун, ундан веб-саҳифаларни динамик генерация қилиш учун мувоффақиятли фойдаланиб бўлмади ва TsX шундан сўнг SQL ва mSQL га мурожаат қилди, лекин ўша пайтда mSQL фақат 1.x релизлари шаклида мавжуд эди. Юқорида айтганимиздек MySQL 1.x версиялари ҳеч қандай индексларни қўлламамас эди ва шунинг учун UNIREG дан унумдорлиги паст эди. 1995 йил май ойига келиб TsX компания ички талабларини қаноатлантирувчи маълумотлар базаси - MySQL 1.0 га эга эди. Фирма бизнес-партнери Детрон дан Девид TsX га ўз серверини интернетда кўрсатишни таклиф қилди. Серверни интернетда кўрсатишдан мақсад - биринчи бўлиб Аладдин Петр қўллаган бизнес моделдан фойдаланишдир. Натижада MySQLни mSQLга нисбатан «текинроқ» қилувчи ўта

мослашувчан авторлик ҳуқуқлари олинди. Номига келганда Видениус бу ҳақида шундай дейди: «Ҳозиргача ноъмалум MySQL номи қаердан келиб чиққани. MySQL ни интернет эълон қилингандан бери у кўпгина UNIX-тизимларга, Win32 ва OS/2 га кўчирилди. TsX фикрича, MySQL ни 500 000 га яқин серверлар ишлатади.

Маълумотлар базаси ўта тез ривожланган ҳамда MySQL ва mSQL ўзини кўрсатган соҳа, интернет учун дастурлар яратишдир. Интернет учун мураккаб ва ишончли дастурларга эҳтиёж ошган сари маълумотлар базасига эҳтиёж ҳам ошиб бормоқда. Тармоқ маълумотлар базаси интернетда кўп функцияларни қўллаши мумкин. Ҳар қандай Веб-саҳифа маълумотлар базаси томонидан бошқарилиши мумкин.

Мисол тариқасида ўз католигини WWW да эълон қилмоқчи бўлган ва интернет орқали буюртмалар қабул қилмоқчи бўлган каталог бўйича сотувчини кўрайлик. Агар каталогни HTML-файллар шаклида эълон қилинса янги товар қўшилганда ёки нарх ўзгарганда кимдир каталогни таҳрирлаши лозим бўлади. Агар бунинг ўрнига каталог маълумотларини реляцион маълумотлар базасида сақланса каталогдаги ўзгаришларни маълумотлар базасидаги товар ёки нарх ҳақидаги маълумотларни ўзгартириш йўли билан реал вақт масштабида эълон қилиш имконияти туғилади.

Бундан ташқари каталогни мавжуд буюртмаларни қайта ишлаш электрон тизимлари билан интеграция қилиш имконияти туғилади. Шундай қилиб бундай веб-сайтни бошқариш учун маълумотлар базасидан фойдаланиш сотувчига ҳам олувчига ҳам қулайликлар туғдиради.

Шу тарзда веб- саҳифа маълумот базаси билан боғланади. маълумотлар базаси сизни веб-серверингизда ёки сизни серверингиз маълумот алмашилиши мумкин бўлган бошқа машинада жойлашган бўлиши мумкин.(яхши МББТ бундай вазифаларни тақсимлашни осон ташкил қила олади). Сиз ўзингизнинг веб-саҳифангизга форма жойлаштирасиз ва фойдаланувчи узатиши керак бўлган сўров ёки маълумотларни шу формага киритади. Формани серверга узатгандан сўнг, сервер сиз ёзган дастурни

ишга туширади ва бу дастур фойдаланувчи узатган маълумотларни ажратиб олади. бу дастурлар кўпинча CGI-стнарийлар ёки Java да сервер дастурлари шаклида яратилади, лекин дастурни HTML-саҳифасига тўғридан - тўғри жойлаштириш ҳам мумкин.

Энди сизни дастурингиз фойдаланувчига қандай маълумотлар керак ва у маълумотлар базасига нима киритмоқчилигини билади. Дастур маълумотларни танлаш ёки ўзгартириш учун SQL буйруқ яратади, маълумотлар базаси бўлса қолганларини бажаради. Маълумотлар базасидан олинган натижаларни сизни дастурингиз янги HTML-саҳифа шаклига келтириб қайтадан фойдаланувчига юборади.

MySQL – бу реляцион маълумотлар базаси. Реляцион маълумотлар базаси ўзида жадвалларни сақлашни бошқаради, бир вақтнинг ўзида кўп фойдаланувчиларга маълумотларга рухсат беришни таъминлайди. Бир жадвални майдонидаги ёзув бошқа жадвални ёзуви билан боғланиш ҳосил қилади. Бу боғланишни амалга оширишда реляцион модел муҳим рол ўйнайди. Реляцион маълумотлар базаси SQL тилини ташкил қилади. MySQL даги жадваллар хотирада учта файл кўринишида сақланади, чунки қачондир биз қисқа даражада администратор тизими билан шуғулланган пайтда бу файллар ишлатилади.

MySQL – бу тез ишловчи, қулай ва арзон маълумотлар базаси ҳисобланади. Хотирада MySQL ўз ичига сифатли ёзувларни ва таблисталарни сақлайди. Бунинг учун унга фақат тўғри буйруқ бериш лозим. MySQL ва шунга ўхшаш маълумотлар базасини бошқариш тизимлари “клиент-сервер” архитектураси асосида ишлайди, бунинг учун тармоқ архитектураси катта рол ўйнайди. Бунда тармоқнинг қурилмалари қуввати юқори бўлиши керак.

Маълумотлар базасининг икки ва ундан ортиқ жадваллари орасида бири иккинчисига боғлиқ бўлиши мумкин. Агар иккинчи жадвал биринчи жадвалга қарам бўлса биринчи жадвалга бош жадвал, иккинчи жадвалга эса

қарам жадвал дейилади. Бош жадвалдаги битта ёзувга қарам жадвалда унга мос бир неча ёзув мавжуд бўлиши мумкин.

Маълумотлар базаси жадваллари орасида учта ҳар хил алоқа бўлиши мумкин: “битта-кўпга”; “битта-биттага”; “кўп-кўпга”.

“Битта-кўпга” боғланиш. “Битта-кўпга” боғланиш бўлади, қачонки бош жадвалдаги битта ёзув қарам жадвалдаги бир неча ёзувга алоқаси бўлса.

“Битта-биттага” боғланиш. “Битта-биттага” боғланиш бўлади, қачонки бош жадвалдаги битта ёзув қарам жадвалдаги фақат битта ёзувга алоқаси бўлса.

“Кўп-кўпга” боғланиш. “Кўп-кўпга” боғланиш қуйидаги ҳолларда бўлиши мумкин.

а) бош жадвалдаги ёзувга қарам жадвалда биттадан ортиқ ёзув тўғри келса.

б) қарам жадвалдаги ёзувга бош жадвалда биттадан ортиқ ёзув тўғри келса.

SQL (Structured Query Language) сўзи структуралашган сўровлар тили деган маънони англатади. Бу тил бизга, жадвалларда сақланадиган, ўзаро боғлиқ бўлган ахборотлар мажмуасидан иборат бўлган релятсион маълумотлар базасини қуришимизга ёрдам беради.

Ҳозирги кунда маълумотлар базаси оламида ҳар томондан бир хил бўлган стандарт, функционалиги ҳар хил турдаги кўп турдаги компьютерларда ишлашига мўлжалланган тил яратиш зарур бўлиб қолди. Бундай стандарт тил фойдаланувчиларга бир турдаги командалар наборини билган ҳолда бемалол бошқа турдаги шу хил маълумотлар базасини бошқариш тизимларини бошқариш имконини беради. SQL шундай тиллар туркумига киради. Ҳозирги кунда дунёда Oracle SQL, MySQL, SQL ва бошқалар. MySQLда (MySQL ўз номидан келиб чиққан ҳолда Microsoft фирмасининг маҳсулоти.) базадаги маълумотларни ўзгартириш, ўчириш, ўқиш ва янги маълумотлар ёзиш ишларини хоҳлаган жойда, хоҳ персонал ЭХМ бўлсин, хоҳ тармоқдаги ишчи станция бўлсин, жуда қулай. MySQL



ишлашдаги қулайлиги, ўрганишнинг осонлиги, маълумотларнинг жуда яхши индексланганлиги, хавфсизлигининг юқорилиги билан фойдаланувчиларнинг ва бошланғич ўлрганувчиларнинг меҳрини қозониб, уларнинг сафини кенгайтишига олиб келмоқда.

SQL ANSI ва ISO стандартларига тўлиқ жавоб бериши билан ҳам кўпчилик бошқа маълумотлар базасини бошқариш тизимларидан ажралиб туради. Кўпчилик тижорат мақсадида чиқарилган маълумотлар базасини бошқариш тизимлар ANSI стандартларига жавоб бера олмайди.

Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, MySQL релацион маълумотлар базаси. Му SQLни ўрганиш учун аввал релацион маълумотлар базаси тушунчасини ўрганишимиз керак.

Релацион маълумотлар базаси – икки ўлчамли жадвалда жойлашган ва бир-бири билан ўзаро боғланган ахборотлар тўплами.

Бу турдаги маълумотлар базаси, бизга адреслар ёзилган, ёки телефон дафтарчасини эслатиши мумкин.

Сиз бундан Релацион маълумотлар базасининг асоси, юқорида айтиб ўтганимиздек икки ўлчамли жадвалда жойлашган, яъни қатор ва устундан иборат бўлган маълумотлардан иборат деган тушунчага эга бўласиз.

Лекин фақат битта жадвалдан иборат бўлган маълумотлар базаси жуда кам учрайди. Бундай базалар асосан бирор фойдаланувчи, тўғрироғи ўрганувчининг малакасини ошириш учун яратган жадвали бўлади. Маълумотлар базасида жадваллар шу даражада кўп бўлиши мумкинки, гўё бутун бошли файл тизими сифатида қараш мумкин бўлиб қолади. Сиз ўзаро боғланган ахборотлардан иборат бўлган бир нечта жадваллардан ташкил топган маълумотлар базаси яратиб, унда қийинроқ ва мукамалроқ амалларни бажарайшингиз мумкин. Мана шу пайтда сизнинг танлаган базангизнинг қандай кучда эканлиги маълум бўлади. Релацион маълумотлар базасини кучи, ахборотларнинг сақланишигагина боғлиқ бўлмай, маълумотлар базасидаги жадваллар орасидаги алоқаларнинг кучи билан белгиланади. Шу тарафдан олиб қараганда MySQLни жудаям кучли

Реляцион маълумотлар базаси сифатида олиш мумкин. Сабаби бу маълумотлар базасини бошқариш тизимида жадваллар бир-бири билан ўзаро жуда мустаҳкам алоқага эга.

Фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар базасини бошқариш тизими яхши индексланмаган ва яхши лойиҳалаштирилмаган Реляцион маълумотлар базаси бўлса, дастурчи ва фойдаланувчи учун куйида санаб ўтилган бир қатор ноқулайликларга дуч келиш мумкиндир:

1. Базага уланиш муаммоси – агар танланган маълумотлар базасини бошқариш тизими ANSI ва ISO стандартларига жавоб бермаса дастурлаш вақтида ностандарт функциялардан фойдаланиш заруратига олиб келади ва фойдаланувчи учун сўров берилгандан кейин жавоб олингунча ўтган вақтнинг чўзилиб кетиши, ва натижада, дастур ишлаши тезлиги пасайиб кетиши муқаррар бўлиб қолади.

2. Аввалги моддада кўрсатилган камчилик туфайли базага кўп марта мурожаат қилишдан тийилиш учун ишлатилиши кутилаётган маълумотларнинг катта қисмини бир марта мурожаат қилишда оператив хотирага кўчириб олинади, бу эса оператив хотирадан фойдаланиш кўрсаткичини пасайтиради ва дастур ишини сезиларли секинлаштириб кўяди.

3. Ностандарт функциялардан фойдаланиш оқибатида зарурий маълумотнинг базада мавжудлигини текшириш (мисол учун парол/логин) тезлиги камаяди.

Бу муаммолардан халос бўлиш учун сақланадиган маълумотлари яхши индексланган MySQL маълумотлар базасини бошқариш тизими мазкур диплом проектида фойдаланиш учун танланди. Мазкур маълумотлар базасини бошқариш тизимидан фойдаланиш юқорида келтирилган муаммолардан қутқаради.

Бу база яхши индексланган, шунинг учун излаш тизими жуда яхши ёълга қўйилган. Бу эса дастур иш жараёнини тезлаштиради, ҳамда ўз навбатида дастурдан фойдаланиш мобайнида базадан зарурий

маълумотларни ўқиб олиш учун зарурат туғилган вақтда ва зарурий ҳажмдагина чақириб олиш имкониятини яратади. Оқибатда оператив хотирани тўлиб кетиш хавфини олди олинади ва ундан фойдаланиш кўрсаткичи ортади.

Биз юқорида MySQLни ANSI стандартларига жавоб беришини таъкидлаб ўтдик. Лекин ANSI ташкилоти MySQLни яратган эмас эди. 2000 йилда MySQL яратилгандан ва дунё бозорида пайдо бўлганидан сўнг, бошқа МББТ яратган ташкилотлар норозилик билдиришди. Бундай компанияларга мисол қилиб Oracle ни олишимиз мумкин. Дунёда энг яхши МББТ яратган компания ушбу маҳсулотни бозорга чиқишига тўсқинлик қилмоқчи бўлди. Улар MySQL ўзларининг маҳсулотлари деб даъво қилишди, чунки MySQL ҳам Oracle SQL билан бир хил структурага эга эди.

Дастлаб транзак SQL тили деб аталган мазкур маҳсулот кейинчалик, унинг 2000 йил чиқарилгани ҳисобига MySQL ҳам деб аталди.

#### Маълумотлар тоифалари

Ҳамма тоифалар ҳам, жадвалларнинг катакларига тушавермайди. Бунга мисол қилиб Boolean тоифасини олишимиз мумкин. Text ли маълумот билан сонли маълумот орасида катта фарқ борлиги аниқ. Буларнинг орнини алмаштириб қўя олмайсиз. Система РБД ахборотларнинг фрагментлари орасидаги боғлиқлик асосида бўлгани сабабли, система уларни осон солиштира олиши учун, маълумотларнинг тоифалари ўзаро фарқли бўлиши зарур. MySQLда бу нарса база ҳосил қилинаётганда, тўғрироғи баъзадаги жадваллар ҳосил қилинаётганда ҳар бир катакнинг тоифаси кўрсатиб кетилади. Сонли маълумотларни Text тоифали маълумотлар билан солиштириш мумкин эмас.

Минг афсуски, тижорат мақсадида яратилган МБ ва стандарт SQL ларнинг маълумот тоифалари ҳар доим ҳам ўзаро мос келавермайди. ANSI стандартида SQL фақат “text” ва “number” тоифаларини тан олади. Аммо кўпчилик дастурлар бошқа тоифаларни ишлатишади. Бунга мисол қилиб “Data” ва “Time” тоифаларини олишимиз мумкин. Лекин аслида бу

тоифаларнинг асосида ҳам “Text” тоифаси ётибди. Яъни маълумотлар Text майдонига ёзилади деса ҳам бўлади, фақат бундай тоифалар “Text” тоифасини маълум даражада чегараланган ва форматланган туридир холос.

Машина хотирасидаги маълумотлар, бошқа системалар ҳам қийналмай ўқиши учун иккилик санок тизимида туради.

MySQL асосан тармоқдаги ишчи стансиясида, ёки кўп фойдаланиувчи ишлатиш ҳуқуқига эга бўлган стансияларда жойлашган бўлади. Шунинг учун маълумотлар базасининг хавфсизлиги нуқтаи назаридан, MySQL уларни ажрата олиши зарур.

MySQL анча ҳимояси кучли бўлган МББТ ҳисобланади. Бу система фойдаланувчиларни уларнинг логинлари билан қандай ҳақ-ҳуқуққа эга эканликларини ажратади. Яъни агар фойдаланувчи логини ва паролини тўғри терса, система ўзининг фойдаланувчилари рўйхатдан ўтган базага мурожаат қилади, агар шу логин рўйхатдан ўтқазилган ва киритилган парол тўғри келсагина, ўша базадаги ҳақ-ҳуқуқларига мос даражада системада ишлашга рухсат беради,

Биз даставвал айтганимиздек SQL тартибланишган сўровлар тили. Сўров MySQL ига бирор ишни бажариши учун берилган буйруқдир. Агар фойдаланувчининг SQL билан иш олиб боришга ҳуқуқи бўлса, киритилган сўров тўғри киритилган бўлса ва фойдаланувчининг ҳуқуқи шундай сўров киритиш учун етарли бўлса, MySQL киритилган сўровга мос жавоб қайтаради.

MySQL да бажариладиган деярли барча ишлар сўровлар ёрдамида бажарилади. Маълумотлар базаси ҳосил қилиниши, унга жадвалларни қўшиш, жадваллар ўртасида алоқаларни ўрнатиш, маълумотни базага киритиш ва базадан маълумотни ўқиш каби ишлар асосан сўровлар ёрдамида амалга оширилади. Тўғри, MySQLда базани ҳосил қилиш, унга жадваллар қўшиш ва уларни ташқи ва ички калитлар билан ўзаро боғлаш амалларини график интерфейсида бажариш ҳам мимкин, аммо базага маълумот киритиш ва чиқариш барибир сўровларда амалга оширилади.

Бугунги кунга келиб, SQL оддий сўровлар тузувчи инструмент бўлиб қолмасдан, балки маълумотлар тузилмасини яратиш, улардаги маълумотларни ўзгартириш, маълумотларни ҳимоялаш каби катор имкониятларга ҳам эгадир. Шунга қарамасдан, маълумотларни ўқиш ҳозирда ҳам SQL нинг муҳим бир функцияси ҳисобланади. Ҳозирда бу тилнинг МББТ фойдаланувчиларига тақдим этаётган барча функционал имкониятлари қуйидагилардир:

1. Маълумотлар структурасини тузиш. SQL фойдаланувчиларга маълумотлар структурасини тузиш, ўзгартириш ҳамда Маълумотлар базаси элементлари ўртасида алоқаларни ўрнатиш имкониятини беради.

2. Маълумотларни ўқиш. SQL фойдаланувчи ёки дастурга Маълумотлар базасида сақланувчи маълумотларни ўқиш ва улардан фойдаланиш имконини беради.

3. Маълумотларни қайта ишлаш. SQL фойдаланувчига ёки дастурга Маълумотлар базасини ўзгартириш, яъни унга янги маълумотлар қўшиш, мавжуд маълумотларни ўзгартириш ва ўчириш имконини беради.

4. Маълумотлар базасини ҳимоялаш. SQL ёрдамида маълумотлар базаси фойдаланувчиларини ундаги маълумотларни ўқиш ва ўзгартириш имкониятларини чегаралаб қўйиш мумкин. Бу орқали руҳсат берилмаган фойдаланувчилардан ахборотлар ҳимояланади.

5. Маълумотлардан биргаликда фойдаланиш. SQL маълумотлардан биргаликда фойдаланишни координатсия қилади, бу эса параллел ишлаётган фойдаланувчилар бир-бирларига ҳалақит бермасдан Маълумотлар базасидаги маълумотлардан фойдаланишлари имконини беради.

6. Маълумотлар яхлитлигини таъминлаш. SQL Маълумотлар базасининг яхлитлигини таъминлашга имкон беради ва унда ноўрин ўзгартиришлар қилишнинг олдини олади.

Веб технологиялардан фойдаланиш ҳозирда иш фаолиятимизнинг бир қисмига айланиб қолган ва интернет билан боғлиқ барча ишлар, жараёнлар шу веб технологиялар ёрдамида амалга оширилади.

## II бобга хулоса

Ушбу иккинчи бобда интернетдаги электрон дўконларнинг ишлаш принциплари, яратилиш технологиялари ўрганилиб, шу асосда узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхона электрон дўконининг ишлаш тамойили, Интернет дўконни тармоқда амалга оширишда қайси веб-технологияларга асосланиш мақсадга мувофиқлиги ва уларнинг афзаллиги ҳақида муҳокама қилинди. Шу каби мулоҳазалардан келиб чиқиб, узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхона электрон дўкони алгаритимини яратишда мижозларга максимал қулайлик ва зарур маълумотларни тез излаб топишлари учун шароит яратишга ҳаракат қилинди. Ҳар иккала томон, яъни харидор ва администратор ўз имконияти доирасида маълум операцияларни амалга оширадиган бўлса, маълумотларни сақлаш учун яратилган жадвалларга мос равишда ўзгартириш киритилади. Унга мурожаат бўлганда SQL сервер мурожаатларни қайта ишлаб натижани браузерга узатади. Маълумотлар базаси интернет тармоғида қулай ва тез ишлаш қобилиятига эга бўлган MySQL МББТ да ташкил этилди.

Администратор ва мижозларнинг шахсий маълумотларига мурожаат уларнинг логин ва пароллари билан амалга оширилади. Дўкон сайтини Веб-серверга жойлаштириганда махсус веб-сервер дастурларидан Internet Information Server дан фойдаланилди. Бу веб-сервернинг қулайлиги ва афзаллиги шундаки, у операцион тизими асосида ишлаб чиқилган бўлиб, уни ўрнатиш, созлаш ва фойдаланишди бошқа веб-сервер дастурий таъминотларига қараганда, анча осон кечади. Бу веб-сервер билан ишлашда эса PHP технологияси қўлланилиб, унда дастур тузишни ўрганиш ва амалга ошириш ҳамма учун бирдай енгил ҳисобланади.

Биз веб технологияларининг барча имкониятларидан тўлиқ фойдалана олсак, интернет билан боғлиқ барча иш ва фаолиятларни бемалол бажаришимиз мумкин. Бу эса албатта бизга ҳар томонлама катта фойда келтиради.

# **III БОБ. УЗУМЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛОВЧИ КОРХОНАЛАР УЧУН ЭЛЕКТРОН САВДОНИ АМАЛДА ҚЎЛЛАШ**

## **3.1. Узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхона электрон дўкони веб-сайтнинг дастурий таъминоти**

Ҳозирги давр талабига кўра интернетда тижорат соҳасида электрон дўкон яратишнинг бир мунча муаммоли томонлари мавжуд. Масалан фойдаланувчи учун қулай бўлган электрон дўкон яратиш муаммосидир. Бу қулайликларга қуйдагиларни мисол қилиб олиш мумкин. Ҳар бир фойдаланувчи электрон дўконга мурожат қилганда ундан камчилик топа олмасин, электрон дўкон фойдаланувчи талабларига кераклича жавоб бера олиши лозим.

Фойдаланувчи сайтга мурожат қилганда ҳеч қандай муаммога дуч келмасин, яъни адашиб кетмасин. Бундан келиб чиқадики электрон дўконга асосланган сайтга фойдаланувчи учун зарур бўлган ҳар бир маълумот ўз ўрнида, яъни керакли жойда жойлашиши шарт. Юқоридаги фикрлар электрон дўконда харидорлар сони ошишига яна бир сабаб бўла олади.

Шуни ҳам эсда тутиш керакки ҳар бир харидор ўзига мос бўлган электрон дўкондан фойдаланишни хоҳлайди. Шуни айтиш мумкинки харидорларга керакли ва уни талабларини қондира оладиган электрон дўкон яратиш ҳам муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бу муаммоларни бартараф қилиш электрон дўкон яратувчисидан катта матонат талаб қилади. Бу масалаларни ҳисобга олган ҳолда узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар электрон савдони амалга оширувчи электрон дўкони веб-сайти яратилди.

3.1-расмда сайтга кирган ҳар-бир киши сайтнинг бош саҳифасини кўриши мумкин. Бунда фойдаланувчи сайт билан қандай ишлаш мумкин эканлигини тушиниб олиш қийин бўлмайди чунки сайтнинг бош саҳифасида жойлаштирилган тугмалар фойдаланувчига сайтдан эркин фойдаланиш имконини беради.



3.1-расм. Электрон дўкон веб-сайтнинг бош саҳифаси.

Бош саҳифада ташриф буюрувчилар ва харидорлар электрон дўкондаги имкониятларни ва қулайликларни кўриши ва билиб олиши мумкин.

Узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхона электрон дўкони веб-сайтига биринчи мартаба ташриф буюрган фойдаланувчиларга харидор сифатида иштирок этиш учун ўзига кабинет яратиб олиш зарур бўлади. Унда фойдаланувчи ўзи ҳақидаги маълумотларни талабга кўра киритиб чиқади, рўйхатдан ўтиш мобайнида фойдаланувчига алоҳида парол берилади. Бунда битта фойдаланувчи учун ягона булиши керак буни сайтнинг дастурий қисми автоматик равишда аниқлаб фойдаланувчини огоҳлантиради. Бунда янги харидор сифатида рўйхатдан ўтувчи фойдаланувчилар талаб қилинган маълумотларини тўғри киритиши зарур бўлади. 3.2-расмда электрон дўкон веб-сайтнинг кабинет яратиш саҳифаси берилган.





3.3-расм. Электрон дўкон веб-сайтнинг кабинет яратиш саҳифаси.

Барча маълумотлар тўғри киритилгандан сўнг электрон дўконга янги харидор сифатида қабул қилинади ва сизга кабинет очилади, бу орқали харидор электрон дўкон веб-сайтдан бемалол фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхона ишлаб чиқарган янги маҳсулотларини сотиш учун электрон дўкон веб-сайтнинг янги маҳсулотлар менюсига рўйхат кўринишида жойлаштиради. Электрон дўкон веб-сайтига ташриф буюрувчилар ва харидорлар янги маҳсулотлар ҳақида мана шу саҳифадан маълумотлар олиши мумкин. Қуйида 3.3-расмда бу электрон дўкон веб-сайтнинг янги маҳсулотлар менюси саҳифаси келтирилган.



3.2-расм. Электрон дўкон веб-сайтнинг янги маҳсулотлар менюси саҳифаси.

Бунда харидорлар янги маҳсулотлар менюси саҳифаси орқали электрон дўкондаги мавжуд янги маҳсулотлар билан танишиш ёки уларни харид қилиш учун буюртма бериши мумкин. Бу ерда электрон дўкон веб-сайтига ташриф буюрувчилар ва харидорлар янги маҳсулотлар ҳақида маълумотлар олиши учун тафсилотлар тугмасини босиш етарли.

Фойдаланувчилар ва харидорлар учун бу электрон дўконда имтиёзга эга, яъни узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхона электрон дўкони веб-сайтида чегирмали маҳсулотлар алоҳида саҳифада рўйхат кўринишида келтирилган.(3.4-расм) Бу саҳифадан фойдаланиб ташриф буюрувчилар ва харидорлар электрон дўкондаги чегирмали маҳсулотларни кўздан кечириши ёки уларни сотиб олиш учун буюртма бериши мумкин.



3.4-расм. Электрон дўкон веб-сайтнинг чегирмали маҳсулотлар саҳифаси.

Ҳар бир чегирмали маҳсулот ҳақида тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун унинг тафсилотлар тугмасини босиш орқали маълум чегирмали маҳсулотга тўғри келадиган маълумотлар чиқарилади ва бу маҳсулот ҳақида маълумот олиши мумкин.

Веб-сайтда менинг кабинетим саҳифаси яратилган бўлиб, бу саҳифада фойдаланувчи бу электрон дўконга харидор сифатида рўйхатдан ўтган бўлса, электрон манзили ва паролни киритиш орқали кабинетга кириши мумкин. Агар харидор сифатида рўйхатдан ўтмаган бўлса кабинет яратиш саҳифасига ўтиб рўйхатдан ўтиши керак бўлади. 3.5-расмда узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхона электрон дўкони веб-сайтнинг менинг кабинетим менюси саҳифаси келтирилган.



3.5-расм. Электрон дўкон веб-сайтнинг менинг кабинетим менюси саҳифаси.

Бу ерда харидорлар ўз кабинетларига кирганидан сўнг уларга электрон дўкон веб-сервери томонидан қуйидаги имкониятлар берилади:

- манзил китобини кўриш ва уни ўзгартириш;
- паролни кўриш ва уни ўзгартириш;
- буюртмаларни кўриш;
- маълумотлар бюллетенига обуна бўлиш;
- маҳсулотлар билдиришномаларини кўриш ва уни ўзгартириш.

Узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхона электрон дўкони веб-сайтига ташриф буюрувчилар ва харидорларда мана шу корхона ёки электрон дўкон билан боғлиқ бирор савол бўлса, боғланиш менюси саҳифаси орқали юбориш имконияти мавжуд.(3.6-расм)





3.6-расм. Электрон дўкон веб-сайтнинг корхона билан боғланиш саҳифаси.

Бу боғланиш саҳифасида ҳар қандай муаммоли саволлар узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхона электрон дўкони веб-сайтга алоқадор бўлиши керак бўлади, юборилган сўровномани веб-сервер кўриб чиқади ва жавобини E-mail манзилингизга юборади.

Ҳар қандай веб-сайтда кидирув бўлими мавжуд бўлганидек, узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхона электрон дўкони веб-сайтида ҳам кидирув бўлими саҳифаси мавжуд. Электрон дўконга ташриф буюрувчилар ва харидорлар маҳсулотларни, улар ҳақидаги керакли маълумотларни излаб топишини кидирув менюси саҳифасида амалга оширади. Қидирувга берилган калит сўз шу веб-сайт базасида мавжуд бўлса албатта уни излаб топади. Қуйида 3.7-расмда электрон дўкон веб-сайтнинг қидирув менюси саҳифаси келтирилган.



3.7-расм. Электрон дўкон веб-сайтнинг қидирув саҳифаси.

Бунда қидирувдаги калит сўзни излаб топиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- маҳсулотларнинг таснифи бўйича;
- маҳсулотларнинг категориялари бўйича;
- маҳсулотларнинг ишлаб чиқарувчилари бўйича;
- маҳсулотларнинг бирор нархидан-нархигача оралиғида;
- маҳсулотларнинг бирор вақтидан- вақтигача оралиғида.

Бу электрон дўкон веб-сайтида қидирувни ҳар бир ташриф буюрувчи ва харидор ўзининг хоҳиш-истаги бўйича амалга оширади.

Узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхона электрон дўкони веб-сайтида фойдаланувчилар учун корхона ҳақида маълумот олиш имкониятлари мавжуд . 3.8-расмда бунинг тасдиғи сифатида биз ҳақимизда менюси саҳифаси, яъни корхона ҳақида саҳифаси келтириб ўтилган.



3.8-расм. Электрон дўкон веб-сайтнинг корхона ҳақидаги маълумотлар саҳифаси.

Бу саҳифада қуйидагилар келтирилган:

- корхона маълумотлари;
- корхона хизматлари;
- ҳамкорлар.

Булар ҳақида маълумотлар олиш учун шу номдаги сўз силкалари босилади ва унга мос бўлган маълумотлар саҳифаси чиқади.

Узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхона электрон дўкони веб-сайтидаги харидорлар маҳсулотларни сотиб олиш учун буюртма беришда бир қанча босқичларни босиб ўтиши лозим. Харид қилинмоқчи бўлган маҳсулотларга харидорларнинг истагига биноан танланган валюта пул бирлиги бўйича буюртма берилади. 3.9-расмда маҳсулотларга буюрма бериш тартиби келтирилган.



3.9-расм. Электрон дўкон веб-сайтининг маҳсулотларга буюртма бериш тартиби.

Маҳсулотларга буюртма бериш куйидаги тартибда амалга оширилади:

- харид қилиниши керак бўлган маҳсулот танланади;
- саватчага қўшиш тугмаси орқали саватчага қўшилади;
- тасдиқлаш тугмаси орқали буюртма бериш босқичига ўтилади;
- етказиб бериш ва эълон қилиш манзилни киритилади;
- тўлов усули танланади ва буюртма тасдиқланади.

Электрон дўкон веб-сайтида маҳсулотларга бундай буюртма бериш харидорлар учун ҳар томонлама қулай ҳисобланади.

Узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхона электрон дўкони веб-сайтида харидорлар барча маҳсулотларини кўздан кечириб чиқиши мобайнида унинг нархи ва сифати бўйича бирор этирози бўлса, бу маҳсулотларга мулоҳазалар ёзиб юбориши мумкин.(3.10-расм)






3.10-расм. Электрон дўкон веб-сайтнинг маҳсулотларга мулоҳазалар ёзиш саҳифаси.

Бунда ёзилаётган мулоҳаза ўша маҳсулот билан боғлиқ равишда бўлиши керак бўлади. Харидорлар маҳсулотга мулоҳазалар ёзишда унга ҳам баҳо бериб ўтиши мумкин. Юборилган маҳсулотлар мулоҳазаларини электрон дўкон веб-сервери кўздан кечириб чиқади. Агар бу мулоҳазалар ўринли бўлса, инobatга олинади. Шунингдек, харидорлар ушбу электрон дўкондаги мавжуд маҳсулотларни кўздан кечириб чиқиб бу ҳақида дўстларига хабар юбориши мумкин. Шу билан бирга электрон дўкон веб-сайтида маълумотлар: юбориш ва қайтиш, билдиришнома махфийлиги маълумотлари, фойдаланиш шартлари маълумотлари, электрон тижорат маълумотлари, рекламалар, корхона янгиликлари саҳифалари мавжуд. Буларнинг барчаси электрон дўконнинг ташриф буюрувчилари ва харидорлари учун яратилган имкониятлардир.

## 3.2. Узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар электрон савдосида тўлов тизимлари

Узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхона электрон дўкони веб-сайтидаги маҳсулотларнинг сотилиши учун тўлов тизимларининг ўрни катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Онлайн тизимида ишлайдиган электрон дўкон тўлов тизими билан ўзаро боғланган ҳолда электрон савдони амалга оширади. Бунинг учун эса электрон дўконга ҳар томонлама қулай бўлган электрон тўлов тизимини боғлаш ва у орқали электрон савдони бемалол юритиш имконияти мавжуд бўлиши зарур. Қуйида тўлов тизимини боғлаш усули келтирилган.(3.11-расм)



3.11-расм. Электрон дўкон веб-сайтининг администратор қисми ёрдамида  
тўлов тизимларини боғлаш.

Бу саҳифада бир нечта тўлов тизимларининг рўйхати мавжуд бўлиб,  
улардан кераклисини электрон дўкон веб-сайти билан боғлаш мумкин.

Узумчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхона электрон савдосини юритишда нечта тўлов тизими билан боғланишни истаса ва шартнома қилинса, ўша тўлов тизимлари бўйича тўловлар амалга оширилади. Тўлов тизимларини боғлаш жараёни қуйидаги тартибда олиб борилади.(3.13-расм)

osCommerce Online Merchant v2.3 RC1

Administratsiya | Online Katalog | Yordamchi Sayt | Logged in as: Marat (Logoff)

**To'lov Modullari**

